O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 22 сентябр | 30 (160)-сон

ЖАҲОН СИМФОНИЯСИ ЯНГРАЙДИ

Бугун Тошкентда Халқаро мусиқа фестивали очилади

«Туркистон» саройида Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг тантанали очилиши ва симфоник мусиқа концертида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ижросида дўстлик дастури янграйди. Концерт дастури ранг-баранг. Биринчи кун Ўзбекистон, Франция, Тожикистон, АҚШ симфоник асарлари ижро этилади. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 августдаги қарорига биноан Халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказилмоқда. Унда замонавий ўзбек композиторлик ижодиётнинг ютуқларини кенг тарғиб қилиш, анъанавий мусиқа санъати билан замонавий композиторлик ҳамда ижро мактабларининг муштарак ривожланиш йўлларини кузатиш, ёш авлод қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларга, хусусан, мусиқа санъатига бўлган меҳру муҳаббат туйғуларини уйғотиш, шунингдек, ижодий ҳамкорликлар доирасини янада кенгайтириш мақсадлари кўзда тутилади. Бугун ўзбек мусиқа санъатининг дарвозалари дунё учун кенг очилди. Ўзбек композиторларининг турли йилларда ижод қилган катта ва кичик асарларини тараннум этиш биз композиторлар учун улкан бахтдир.

Замонавий ўзбек симфоник мусиқа бугунги кунда ўз жарангини чет элларда ҳам топаяпти ва эътибор қозонаяпти. Ҳозирги замон мусиқамизнинг миллийлиги, баркамол бадиийлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туриши табиийдир. Йиллар мобайнида ижодий сафарларда бўлиш ва ўзбек композиторларининг энг сара асарларини хорижий мамлакатларда ижро этиш, шунингдек, Оврупо, Шарқ ижодкорларининг асарлари шаҳарларимизда ижро этилиши ўзбек композиторлари учун улкан илҳом манбаи десак хато бўлмайди. Бу ҳолатни шоирлар мушоирасига таққосласа аниқроқ бўлса керак. Ижодкор ўз ютуғи, камчилигини шундай учрашувларда англаб етади. Фестивал, танловлар, учрашувлар орқали ижодий фикр — янги ижодий фикр пайдо бўладики, ижодкорни янги ва яхши асарлар яратишга ундайди. Илҳом бахш этади. Мустақиллик шарофати, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов даъват ва рағбатлантириши билан Халқаро симфоник мусиқа фестивалига эришдик. Бундай улкан мусиқий воқеа фақат мустақил, тинч, тотув яшовчи ривожланган мамлакатларда ўтиши мумкин. Бу ҳар бир ижодкор композиторга ижодий қанот эмасми?! Бу истиқлол меваси, ўзбек миллий профессионал симфоник мусиқасининг парвози эмасми?!

Озгина мозийга назар солайлик. Симфоник мусиқа жанрининг юртимизга кириб келиши 30-йилларга тўғри келади. Симфоник оркестрлари илк бор Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида янграган бўлса, ташкил топиши эса 40-йиллардан бошланади. Умуман эса симфоник мусиқасининг ёши ўн еттинчи асрга бориб тақалади. Ўзбек симфоник мусиқаси навқирон ёшда десак бўлади. Симфоник мусиқа борасида каттакичик ютуқларга эришганмиз. Аммо изланиш жараёни давом этмоқда ва давом этади.

Умуман, мусиқани халқ яратади, биз композиторлар мусиқага жило берамиз, деган эди буюк рус композитори Глинка.

Эски шаҳардаги боғда тез-тез концертлар бўлиб турганини эсимда. Бир концертда катта симфоник оркестри ва унинг дирижёри Алексей Козловский шу оркестр учун басталанган «Тановар»ни ижро этди. Бу ҳақиқий симфоник достон эди. Сўнг саҳнага Муҳиддин Қори Ёқубов чиқдилар ва шу оркестр ижроси, симфоник мусиқа ҳақида сўзладилар. Сўнг ёқимли, қудратли товушлари оркестр жўрлигида янгради. Назаримда бу ижроларни томошабин яхши қабул қилди. Сабаби: дастур ўзбек миллий қўшиқ ва мусиқаларидан иборат эди. Ёш эканмиз, далаларга чиқиб, пахтакор, ғаллакор, пиллакор бободеҳқонларнинг симфоник мусиқасидан баҳраманд қилишлар, ҳали электр симлари тортилмаган далаларда машъалалар ёқиб концерт беришлар, Ҳалима Носирова, Назира Аҳмедова, Қори Ёқубов, Карим Зокировларнинг чиқишлари, Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун, Гулсара ариялариии ижро этишлар ёдимда.

Ўзбек профессионал симфоник мусиқаси ана шундай довонлардан ошиб, талай композиторларни дунёга келтирди. Симфоник мусиқага бўлган иштиёқ аста-секин ўсаверди. Тошкент Давлат консерваторияси илк бор (1941) ўз композиторларини учирма қилди. Симфоник оркестрлар мусиқали театрларга кириб борди ва мустаҳкам ўрин эгаллади, ўзбек драма ва комедия, опера ва балет театрларига қанот бағишлади. Ҳозирги кунда бироита театр ёки кинони симфоник мусиқасиз тасаввур қилиш қийин. Чунки саҳнадаги драматургия мусиқа драматургияси билан чамбарчас боғланиб кетгандагина бир яхлит бадиий, баркамол асар пайдо бўлади. Ва ўз томошабинини топади.

Бугун ўзбек композиторлари курраи заминдан ташриф буюрган ҳамкасбларини кутиб олдилар. Н. Бакри (Франция), Т. Шаҳиди (Тожикистон), П. Чайлд (АҚШ), В. Чивитареале (Люксембург), Жан Риве (Франция) Р. Балёзов (Болгария), Ю. Мардухаев (АҚШ), К. Накажима (Япония), В. Даннибале (Италия), Р. Реджепов (Туркманистон), В. Гаврилин (Россия, Риад аз-Сумбати (Миср), К. Нагасава (Япония), С. Еркинбеков (Қозоғистон), Ли Геон Ёнг (Корея), Ялчин Тўра (Туркия), В. Премананда (Таиланд) С. Осмонов (Қирғизистон)... — фестивалнинг қатнашчилари ва юртимизнинг азиз меҳмонларидир. Ушбу бахтиёр кунлар Тошкентда хориждан келган азиз меҳмонларнинг ёрқин, ранг-баранг асарларини тинглаб, ўз навбатида биз ҳам катта-кичик камер ва симфоник асарларимиз билан таништириб, ижодий фикр-ўйларимиз билан ўртоқлашамиз.

Бу ўзбек симфоник ва камер мусиқасининг дунёга чиқиши десак тўғри бўлади. Навбати келганда биз ўзбек композиторлари энг етук, таъсирчан, симфоник асарлар билан хорижий сафарларда бўлиб, ўзбек миллий мусиқа санъатимизни намойиш қиламиз деган умиддамиз.

Сайфи ЖАЛИЛ
Ўзбекистон халқ артисти,
Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик кафедрасининг профессори

Қиз қалбидан жило олиб...

Очиқ мулоқотлар

МЕҲРДАН ҚУВВАТ ОЛИБ ЯШАЙМИЗ

Одатда кишилар бир-биридан (катталар ёшлардан) «Ота-онангиз ҳаётми?» — деб сўраганида тасдиқ жавобини эшитсалар, «унда давлатингиз бор экан» деб қўйишади. Бу ҳикматда «давлат» сўзи моддий бойлик тушунчасидан кўра кўпроқ маънавий ифода касб этади, кўнгил бутунликни билдиради. Азалий удумларимиз меҳр-оқибат асосига қурилган, ота-онанинг айниқса кексалик чоғларида фарзандлар томонидан эъзозланиши, уйнинг тўрида «давлат» бўлиб қўр тўкиб, хонадонимизни тўлдириб ўтиришида ҳикмат кўп. Уларнинг биздан розилик нури ва дуолари ҳамиша ҳар бир ишимиздан тортиб, турли ҳаётий муносабатларимиз, тан саломатлигимизгача дахлсиз йўлдош бўлиб туради. Миллий қадриятларимиз саналувчи бу ўрнак бўларлик муносабат — ота-она сийлови ҳамиша дунё халқлари, шу жумладан, айнан шоҳиди бўлган, яъни мамлакатимизда яшовчи турли миллат вакилларида ижобий фикр ва ҳавас уйғотиб келади.

— Ўзбекистонда пенсия ёшидаги қарияларнинг 86 фоизи оилада яшайди, — деди Ўзбекистон Республикаси таъминоти вазирининг журналистлар билан бўлган очиқ мулоқотида Б. Ҳ. Умурзоқов.

Юқоридаги қайд қилинган кўрсаткич заминидаги улуғ миллий қадриятимиз яқинда қабул қилинган «Оила кодекси»да ўзининг қонуний ифодасини ҳам топди, яъни ота-она фарзанди улғайгунча уни моддий таъминлаши, вояга етказиши, ота-она кексайганда эса фарзандининг уларга қараши мажбурий қилиб белгиланиб қўйилди.

Яна бир шундай асрий замонавий фазилатимиз ногирон қондошимизни қаровсиз қолдирмай, доим эъзозлаш, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш, уларга ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа яқинларимизга ҳар томонлама кўмакдош бўлишдир. Ушбу вазирликнинг фаолияти ҳукуматимиз дастурлари асосида халқимиз кўнглига монанд йўл топган.

Ўзбекистон миллий матбуот маркази томонидан уюштирилган бу очиқ мулоқотда ҳурматли вазир жаноблари тизимда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб, ечимини кутаётган баъзи муаммолар билан ҳам журналистларни яқиндан таништирди:

— Вазирлик 3 млн. 206,2 минг пенсионер ва ижтимоий нафақа олувчиларга хизмат кўрсатади. Бу республика аҳолисининг қарийб 12 фоизини ташкил қилади. 1998 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларнинг ўртача миқдори 3057,25, энг кам белгиланган пенсия миқдори 2100 сўмга оширилди, ижтимоий таъминот тизимидаги саховат ва мурувват уйларида 6864 қария ва ногирон истиқомат қилади. Табиийки, ижтимоий таъминотнинг ҳар бир ҳаракати маблағ билан — пул билан кечадиган жараёндир. Шуни ҳисобга олган ҳолда шу пайтгача фақат давлат бюджетидан берилиб келинган пенсияларни икки йилдан бери вазирлигимиз ва пенсия жамғармаси бирлашиб, маблағларни бадаллар орқали йиғиб, шу туфайли тўловларни тарқатишга киришдик. Шуни қайд қилишим мумкинки, пенсияларни кечиктирмасдан мунтазам бериб боришда Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари ичида ягона бўлиб турибди.

1996 йил декабр ойида «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ва қайта тиклаш» дастури қабул қилиниб, шу асосда бир неча марказлар тузилди. Бундан кузатилган мақсад ногиронларнинг ҳам тиббий саломатлигини, ҳам меҳнат қобилиятини имкон қадар тиклаш, ижтимоий янги касб эгаси қилиш, уларни ўзларига мос иш билан таъминлаш орқали жамият ва оилада ўрнини тиклашга амалий ёрдам беришдир. Айни пайтда мамлакатимиз бўйича қайд қилинган 600 минг шундай ногиронниг 380 минги аёллар, 140 минги эса 14 ёшга тўлмаган болалар. Бу рақамлар бизни ногиронликнинг келиб чиқиши сабабларини ҳар томонлама ўрганиш, унинг олдини олишда кўламли чоралар кўришга ундайди. Шу билан бирга, ушбу тизим фидойилари кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, уларни белгиланган нафақалар билан таъминлашдек олижаноб иш олиб бораяптилар. Шу маънода рўйхатга олинган 540 минг оилага маҳаллий бюджетлар ҳисобидан нафақа бериш ташкил қилинган. Бунда баъзи узилишлар ва камчиликлар содир бўлганлиги сабабли нафақалар тўлови яқиндан бошлаб қатъий назорат остига олинди.

Шунингдек, вазир жаноблари ногиронликнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб берди, унинг экологик, тиббий, ижтимоий жиҳатларига тўхталди. Ҳамда хоҳ соғлом, хоҳ ногирон — ҳар бир киши ўз устида ишлашга, инсонга хос яшашга интилиши лозимлигини таъкидлади.

Журналистлар мулоқот орқали ушбу тизимни ислоҳ қилиш юзасидан ишлаб чиқилган ва ҳукумат томонидан таҳлил қилинаётган янги концепциянинг моҳияти, мазмуни билан атрофлича танишдилар. Соҳа ишига доир ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Очиғини айтганда, таъминот вазирлиги тизимида режалаштирилган ҳар бир ишнинг ўз вақтида бажарилаётганлигига, тан олиш керакки, халқимиз гувоҳ.

Халқимиз орасида одамийлик устивор, қон-қариндошлик, орият мустаҳкам. Шу хусусиятлар ҳамиша тераплашиб бормоғини истаймиз. Биз азал-азалдан бир-биримизга меҳрдан қувват олиб яшайдиган халқмиз.

Дилором МАТКАРИМОВА

Давримизнинг давра суҳбатларида

МАНГУ ҒОЯЛАР

Инсоният тарихида яратилган турли ғоялар мавжуд, уларнинг кўпчилиги қайсидир даврларда жамият ҳаётида ҳал қилувчи мезон бўлган. Лекин қандай шаклда — қандай либосдалагидан қатъий назар, уларни амалга тадбиқ қилишдан кузатилган туб мақсаднинг мазмун-моҳияти фаолият давомида ойдинлашаверган, бу ғояларни ўзига дастурилламал ҳисобланганларнинг нияти вақт ўтиб давр қозонида қалқиб чиқаверган. Зеро, бутун бир халқни, миллатларни, инсониятни ҳеч қачон алдаб бўлмайди. Демак, ҳар қандай ғоя ўзининг инсонийлиги, амалий натижасида моддий ва маънавий фаровонликни уйғун кўрсата билиши билангина яшовчанликка эришиши, айни шу башарият билан ҳамиша бирга қолиши, инсоният ҳам уни қўллаб-қувватлаши мумкин. Тарихлар гувоҳки, эрк, тинчлик, ўзаро тенг ҳамкорлик — ҳамдўстлик, эътиқодлар дахлсизлиги ва муросаси, давлат ва халқнинг бирлиги — булар том маънодаги ҳақиқат ғоялари, ёвузлик ҳукм сурган маълум даврларда бироз четга сурилса-да, яна ўз ўрнини топавераднган, инсониятнинг ер юзида қолиши ҳамда яшаши учун бирламчи заруратдир.

Президент ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро Маркази, Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ҳамкорликда 16 сентябр куни ўтказган «Дин ва сиёсат» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам ғояларнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни нақадар муҳимлигини яна бир бор ҳис қилдик. Унда иштирок этган Германиялик олимлар Бригитта Шиммел хоним, жаноб Нидершлаг, Августин ва мамлакатимиздаги таниқли илм кишилари турли динларнинг ўзаро муносабатлари, сиёсатга таъсири ва бунинг ижобий ҳамда салбий оқибатлари, дин ва ёшлар, диннинг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳақида фикр алмашдилар ҳамда журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

Германиялик машҳур исломшунос ва шарқшунос олима Аннемарие Бригитта Шиммел хоним суҳбат мавзусининг туб моҳияти хусусида тўхталди: «Дин маънавиятга тааллуқли бўлгани учун уни сиёсатга ғараз билан аралаштириш ҳоллари учраб туради. Агар кишилар кундалик ўткинчи ғаразларини динга қориштириб кўрсатмасалар, дин орқали дунё халқларининг бир-бирини тушуниши осон кечади. Зеро, «Қуръон»да айтилганидек, «динда мажбурлаш йўқдир», бу чинакам эркинлик ғояси эмасми?!» Профессор Нидершлаг турли динлар орасидаги муросани гўзал муҳаббат деб атади, ўзимиз тушунмаётган нарсани бошқалар амалга ошираётганда (юртни фаровон этаётганда) сабр қилишимиз лозимлигини, «Инжил» сўзи билан ифодаланганда, ўзимиз яхши кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўриш, ўзимизга раво кўрмаганимизни ўзгаларга ҳам раво кўрмаслик ҳақиқий инсонийлик эканлигини таъкидлади. Профессор Августин «Инсоннинг энг катта орзуси — бахтли яшашдир, дин кишиларни бахтли яшашга олиб борадиган имкониятдир. Бироқ, у ёвуз кучларнинг ниқобланган қуролига айланса, нафақат бир-икки киши орасида, балки бир неча халқлар ўртасида нифоқ пайдо бўлишига олиб келади. Халқаро ҳаётга назар солиб, бунинг гувоҳи бўлишимиз мумкин», деди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг етук олимларидан Н. Комилов, О. Шарофиддинов, У. Уватов, Ҳ. Кароматов, М. Имомназаровлар мунозарада эътиборли фикрларни ўртага ташлаб, тараққиёт — ҳамкорлик санъатидан иборатлигини, диннинг чин моҳиятига етган одам шаклбозликдан мутлақ йироқ бўлишини (Н. Комилов), инсониятнинг кўпчилик илғор қисми амин бўлган ҳақиқат — аҳиллик, бир-бировга юз тутиш илм ва адолат уйғунлигида яшаш бўлиб турганлигини (О. Шарофиддинов), сўз салтанатидаги диний бағрикенглик деган улуғвор ифодани ҳар қачонгидан теранроқ англаш лозимлигини (Ҳ. Кароматов), диннинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, тўғри талқин қилиш, бунинг учун илм-маърифатни, тафаккурни янада ривожлантириш зарурлигини (У. Уватов) ва бошқа шу каби мулоҳазаларни билдирдилар. Чиндан ҳам диннинг моҳияти кишиларни маънавий камол топтириш билан боғлиқ, унга сиёсатнинг вазифасини юклаб бўлмайди, акс ҳолда иккала йўналишда ортиқча қийинчиликлар, муаммолар юзага келиши ва бу кишилар дунёқарашига, тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Суҳбатда асли ислом динига ёт бўлган ваҳҳобийлик оқимини тарғиб қилувчиларнинг илмга, инсонийликка зид мақсадлари ҳақида ҳам сўз борди. Давра суҳбатини Президент ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси проректори, профессор Нажмиддин Комилов олиб борди.

Дилором ҚЎЗИЖОН

Бир ўқ атрофида айланар дунё

БОМИЁН ИШҒОЛ БЎЛГАЧ...

Ўтган якшанба куни толиблар Бомиён вилоятининг марказини ишғол қилдилар. Улар шаҳар аҳолиси орасидан юзлаб одамларни қатл этганлар. БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий комиссари бошқармасидан «ишончли манбалар»га суяниб хабар қилишларича, қатл қилинганларнинг кўпчилиги хазарийлардир. Бошқа камсонли миллатларга тегишли кишиларга ҳам ваҳшийларча муносабатда бўлинмоқда, аёлларга зўравонлик қилинмоқда. БМТ аҳолига қилинаётган бундай шафқатсизликларга қарши норозилик билдирди ва зўравонликларни тўхтатишни талаб қилди.

ТОЛИБЛАР 42 ЭРОНЛИНИ ҚАМОҚДА УШЛАБ ТУРМОҚДАЛАР

Толиблар ўтган ҳафта ичи яна икки эронлини ушлаб қамаб қўйдилар. Шу билан толиблар томонидан қамалган эронлиларнинг сони 42 кишига етди. Эрон Афғонистон чегараси яқинида 200 мингга яқин аскарларини ушлаб турмоқда. Эрон президенти Муҳаммад Хотамий Афғонистон билан Эрон ўртасида уруш чиқмаслиги учун қўлидан келганча ҳаракат қилажагини айтган.

БУГУН НЮ ЙОРКДА БМТНИНГ 53-СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

Нью Йоркда бугун БМТ Бош Ассамблеясининг 53-сессияси очилмоқда. Сессиянинг биринчи куни АҚШ президенти Клинтон, Жанубий Африка бошлиғи Нелсон Мандела, Эрон раҳбари М. Хотамий, Япония бош вазири Обута сўзга чиқишлари кутилмоқда.

АРМАНИСТОН — РОССИЯ ҲАРБИЙ МАШҚЛАРИ

Арманистонда Россия армияси билан биргаликда ўтказиладиган ҳарбий машқларга тайёргарлик охирига етди. Бу орада ҳар икки армия командирлари тажриба алмашдилар. 22—26 сентябрда ўтадиган машқлар ҳарбий маҳорат ва жанговар тайёргарликни ошириш, Арманистон ва Россия хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзда тутади.

БОКУДА 40 МИНГ НАМОЙИШЧИ КЎЧАГА ЧИҚДИ

Бокуда сайловларни демократлаштириш талаби билан 40 мингдан ортиқ киши намойиш қилиб кўчага чиқди. Полиция намойишчиларга ҳеч қандай тўсқинлик қилмаган. Мухолифат йўлбошчилари сайловда иштирок этишдан бош тортдилар ва сайловда қатнашмасликка чақирдилар.

Ҳайдар Алиев кеча шу йилнинг 11 октябрида ўтажак президент сайловлари эркин, адолатли, демократик сайлов бўлади деб айтган. Ҳайдар Алиев иккинчи муддатга сайланиш учун ўз номзодини қўйган.

Ҳайдар Алиев ҳозир Озарбойжонда ишлаб турган заводлар, фабрикалар, илмий муассасалар, мактаблар, касалхоналарнинг кўпи «Т 70-80-йилларда ҳамда кейинги беш йил ичида у раҳбарлик қилиб турган пайтда қурилган бўлиб, унинг фидокорона меҳнатининг самарасидир».

Алиев у раҳбарлик қилаётган даврда мустақиллик мустаҳкамланиб, барқарор бўлганлиги, Арманистон билан ўртадаги можароларни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти туғилганлигини тилга олган.

«Агар музокаралар ҳеч қандай натижа бермаса, Озарбойжон босиб олинган ерларни озод қилиш ва мамлакат яхлитлигини сақлашнинг барча чора-тадбирларини кўради», деган. Ҳайдар Алиевнинг ўз сайловчилари билан учрашуви Бокунинг шимолидаги автодромда ўтган. Унда 15 мингдан ортиқ киши қатнашган.

РАКЕТАЛАР УЧМОҚДА, ЧОРАЛАР ҚЎЛЛАНМОҚДА

31 августда Шимолий Корея узоққа борадиган баллистик ракета учиргандан сўнг АҚШ ва Япония ракеталарга қарши мудофаа ва ҳимоя чораларини кучайтириш юзасидан ҳамкорликда техник тадқиқотлар ўтказишга келишдилар.

Япония ва АҚШ Шимолий Кореянинг ракета учириши ҳар икки мамлакатнинг хавфсизлиги учун «жуда катта таҳдид» солаётганлигини таъкидладилар. Япония бу мақсадлар учун 1999 йилда 1 млрд иен маблағ ажратмоқда. Япония баллистик ракеталарни олдиндан илғаш, АҚШ эса уларни ярим йўлда тутиб, уриб тушириш бўйича изланишлар ўтказадилар.

ЖУДА УЯТ БЎЛИБ КЕТДИЮ, ЖАНОБЛАР!

Жуда кўп америкаликлар президент Клинтон билан Моника Левински ўртасида бўлиб ўтган интим муносабатлар махсус прокурор Кеннет Старр томонидан ўта нохолис ўтказилганлигидан норози бўлмоқдалар. Бу иш АҚШдай буюк мамлакат учун ҳаддан ташқари шармандали бир даражага олиб чиқилганлиги, шахс сирлари дахлсизлиги ва ҳуқуқлари дахлсизлиги уятсизларча поймол этилганлиги кўп кишиларни ҳайрат ва таажжубга солмоқда. Демократия ахир уятсизликда ҳаддан ошиш эмас-ку! — демоқдалар улар. Президент ўз хатосини тўла тан олиб, узрхоҳлик билдиргандан кейин, яна «фош этишда зўр бериш» бу сиёсий жиҳатдан маълум бир мақсадларни кўзлашдан бошқа нарса эмаслиги аён бўлиб қолди. Кейинги жамоатчилик сўровларида шу нарса маълум бўлмоқдаки, 70 фоизга яқин америкаликлар ҳали ҳам Клинтонни қўллаб-қувватлашмоқдалар. Фақат 29 фоиз аҳолигина жаноб Клинтоннинг қилмишидан норози бўлмоқда. 54 фоиз америкаликлар жаноб Клинтон президент бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди. 60 фоиз америкаликлар конгресс президентга бу борада «хайфсан» бериш билан чекланса, кифоя қилади, деб айтмоқдалар.

«Ўзинфо» хабарлари дастасидан «МТ» учун тайёрланди

КИЧИК КОРХОНАНГИЗ БОРМИ?

УНИ БОЙ БЕРМАНГ

Баъзида эшитиб қоламиз. «Миянгни ачитиб ўқиб нима қиласан. Саводнинг кераги йўқ, савдо керак. Ишнинг кўзини билиб, савдогарлик қил». Наҳотки савдогарлик, шундай дуч келган одам эплаб кетадиган ҳунар бўлса? Жавоб излаб бозор оралайман. Сотувчилар билан суҳбатлашаман. Ана ўшанда ҳаммаси аён бўлади. Баъзилар илиқ муомала қилиб саволларимга кутганимдек жавоб беради. Баъзилар эса гапни олиб қочишга ҳаракат қилишади. Савол малол келса, ошкора тўнғиллаб, ҳатто сўкиниб ҳам қўйишади. Аёнки, савдогар бундай бўлмайди. Буларга разм солиб икки тоифа кишиларни ажратаман: биринчиси, ҳақиқий савдогарлар, иккинчиси кун кўриш илинжида бозорни макон тутганлар. Биринчи тоифа кишилар савдонинг ҳадисини олган, одамларга нимадир бериш илинжида юрадилар, иккинчиси юлғичлар, халқдан ниманидир юлиш пайида юрган кимсалардир. Хўш асл савдогар қандай бўлиши керак?

Ҳадисларда савдогар, энг аввало илмли бўлиши, савдо-сотиқ ишларини тўғри ва ҳалол бажариши лозимлиги уқтирилади. Яна айтилганки, савдогарлик молни бир жойдан олиб бошқа бир жойга икки баробар устама нарх қўйиб пуллаш дегани эмас. Ҳадисларда шундай ривоят қилинади: «Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сотувчи ўз молининг айбини яширмаса, ҳамда олувчи ҳам пул беришда ғирромлик қилмаса, бундай савдода барака бўлур. Агар ҳар иккала томон ҳам бирига ғирромлик қилса, бундай савдода барака бўлмас», — дедилар.

Яна ривоят қилинадики, «Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам молнинг баҳосини сунъий оширишдан қайтарадилар. Молни инсоф билан сотишни ҳеч ким рад этмайди, аксинча мол олиб келганларнинг молини сотиб олиб шу

Ҳаёт йўриқлари

ернинг ўзидаёқ устига нарх қўйиб сотганларни пайғамбаримиз қоралайдилар. Одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олаётган вақтларида ошиқча ўлчаб оладирган, уларга ўлчаб бераётганларида кам ўлчаб берадиган кимсалар огоҳлантирилади».

Бозор жуда кенг тушунча. Унда бозорчи бор, савдогар бор, сотувчи бор, олибсотар бор, олувчи бор. Улар ҳаммалари бир-бирларидан манфаат топадилар. Бу манфаат ҳаллоллик асосига қурилса, барча барака ҳам шунда. Алдам-қалдам, фирибгарлик фақат иснод келтиради. Яқинда АҚШнинг «Саййид ва унинг ўғиллари» фирмаси соҳиби Муҳаммад Саййид жаноблари билан суҳбатимиз фикрларимни тасдиқлади.

— Савдогарлик одамзоднинг севимли ҳунарларидан бири, — дейди у киши. — Бас, шундай экан, биз уни ардоқлашимиз керак. Савдогарнинг равнақи ҳалолликда. Савдогар биринчи навбатда яхши хулқ, хушмуомала қалб эгаси бўлиб, савдо илми ва маданиятидан хабардор кишидир. Унинг ахлоқи барчада ишонч уйғотади. Савдогар турли илмлардан, жаҳон сиёсати, иқтисодиётидан хабардор бўлса, қаерда қандай молга эҳтиёж борлигини яхши тушунади. Одамлар юрагига, мамлакатлар бозорларига йўл топади.

Соҳибнинг ўзи адабиёт, тарих борасида истаганингизча файзли сўз юритади. Чуқур диний билимга эга, ўзбек, форс, тожик, инглиз рус тилларида бемалол гаплашиб, иш юрита олади. Ундан, албатта, нимадир харид қилгингиз келади.

Ҳа, савдогар бўлиш осон эмас, бу ота-боболаримиздан мерос касб. Савдо ва савдогарларнинг равнақи боис кўплаб фирма ва кичик корхоналар ташкил этилади. Кичик корхоналар эса халқ ичига тез кириб боради. Халқни давлатманд қилади.

Бундай фирмалар ўзи бойисин, халқимизни ҳам бой қилсин.

Ўзбекистоннинг дунёга чиқишига улуш қўшсин.

Ҳақиқий тўкинчилик, мўл-кўлчилик, фаровонликни улар туғдирмаса, ким туғдиради. Кичик корхоналаримизни қаттиқ ушланг, одамлар! Уларни бой берманг!

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси «Диншунослик» кафедраси тадқиқотчиси

Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» пайчилик уюшмаси бир гуруҳ-фахрийлари ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

А. АБАЛЬЯН олган сурат.

Мустақиллик тадқиқотлари

«УЛУСНИНГ ҚАБУЛИНИ ҚИЛДИ АТО...»

Туронзаминда жамоатчилик фикрини ўрганиш

Алишер Навоий ёшлик чоғларида топган устози, нодир инсон Саид Ҳасан Ардашернинг гўзал маънавий оламини тасвирлар экан: «Хуш улким, анга лутф бирла Худо, улуснинг қабулини қилди ато» деб ёзди. Бу сўзлар замирида бир олам маъно бор. Жамоатчилик, халқ, эл-улус ҳар қандай вазир ёки ҳокимни ҳам хушнудлик билан қабул қилавермайди.

Халқ ваъдабоз, ёлғончи, тили бошқа, дили бошқа, лоқайд, худбин, такаббур раҳбарларни ҳурсандчилик билан қабул қилмайди. Халққа зулм қиладиган ҳоким бўлса, бундай ҳокимни халқ яхши кўрмаслиги аниқ.

Табиийки, маданият, маърифат, маънавият юксалган давлатларда раҳбарлар — вазирлар, ҳокимлар, жамоатчилик фикрига ҳурмат билан қарайди, халқ билан ҳисоблашади. Ва аксинча, адолатсизлик, жабр, зулм кучайган, деспотия, истибдод авж олган давлатларда раҳбар ва бошқа мансабдорлар халқ фикри, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмайди, халқнинг орзу, армонларини, тилакларини менсимайди.

Халқ, жамоатчилик талаблари ва фикрларини эътиборга олиш ҳар қандай ходимнинг Аллоҳ ва халқ олдидаги инсоний бурчи, ижтимоий адолат талабидир.

Шарқ фалсафаси, ижтимоий тафаккур тараққиёти тарихидан яхши хабардор олимларимиздан Мансур Бекмуродовнинг «Фан» нашриётида босилган «Моваройуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихи» рисоласида қадимги қабила-уруғ жамоалари давридан то Алишер Навоий замонигача бўлган даврларда айрим мутафаккир алломаларнинг жамоатчилик фикрини ўзгартиришга таъсири, жамоатчилик ва айрим ижтимоий гуруҳлар фикрининг давлат сиёсатига таъсири каби муҳим муаммолар тадқиқ этилади.

Муаллиф жамоатчилик фикрини ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўрсатади. Бу мавзу нисбатан янги, миллий истиқлол ва демократик, ҳуқуқий, фуқаролар давлатини қуриш билан боғлиқ бўлгани учун, муаллифнинг баъзи фикр ва хулосалари баҳсли, мунозарали эканлиги ҳам табиийдир. Жумладан, у, инсоният жамияти ўзининг неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида босқинчилик, истилочилик жангу жадалларидан кўра, ўзаро фуқаровий урушлардан кўпроқ талофат кўрди, дер экан, ўзаро қирғинларга жамоатчилик фикрини сабабчи қилиб кўрсатади. Бу ерда муаллиф бир давлат жамиятининг, халқининг фикрини эмас, балки мана шу низо ва қирғинларни келтириб чиқарган турли ижтимоий гуруҳларнинг бир-бирига зид манфаатларини ифодаловчи фикрларини назарда тутади. Англия, Франциядаги 30 йиллик, 100 йиллик, «Оқ гул», «Қизил гул» урушлари шундай эди. **Аслида кенг жамоатчилик фикри ҳар қандай ижтимоий гуруҳларнинг зиддиятли фикрларидан устун қўйилмоғи керак.** Чунки, кенг жамоатчилик фикри деганимизда барча замонларда асосан бунёдкор, меҳнаткаш, доимо барчага яхшилик тиловчи халқ оммасининг фикри тушунилади.

Қудратли куч бўлган (шоир Чўлпоннинг «Халқ исёндир, халқ тўлқиндир, халқ — кучдир» сўзларини эслайлик), кенг жамоатчилик фикрини жиловлаш, уни ўз мақсадларига хизмат қилдириш — муаллиф тўғри кўрсатганидек, жамики ҳукмдорлар, императорлар ва амирларнинг ўз жамиятларини бошқаришнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб келди.

«Кишилик тарихи давомида, — деб ёзади Мансур Бекмуродов, — жамоатчилик фикрини восита ёки мақсадга айлантирмасдан туриб, бирор оламшумул воқеанинг амалга оширилганини эслаш мушкулдир». Бу фикрда жон борлигини эътироф этганимиз ҳолда, Доро, Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Наполеон, Гитлер ва бошқа императорлар ташкил этган қирғин урушларни оддий меҳнаткаш халқ хоҳламаганлигини айтмоқчимиз. Бу истилочилар босқинчилик урушларини бошлашда ўз халқининг истак-иродасини сўраб ўтиришмаган. Улар юз минглаб, миллионлаб одамларни лақиллатиб, мажбуран уруш-қирғин майдонларига юборганлар.

Рисоланинг «Жамоатчилик фикрининг назарий асослари» бобида муаллиф анча янги ва муҳим фикрларни ўртага ташлайди. У аниқлашича, «Жамоатчилик фикрининг уйғониши, муайян шакл-шамойил (тўғрироғи, маъно, мазмун) ҳосил этиши жамиятнинг базиси ва усткурмаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жамоатчилик фикри жамиятнинг қудратли мафкуравий қуроли ҳамдир». Бу ерда муаллиф давлатнинг расмий фикри, мафкураси билан халқ фикри бир-биридан фарқланишини эътиборга олган кўринади.

Аслида, ҳар қандай давлатнинг расмий мафкураси ва шиорлари нақадар гўзал ва олижаноб бўлса ҳам, агар давлат бу фикрларга амал қилмасдан, халқни менсимайдиган, очофат, ёмон ҳокимларни қувватласа, халқ, кенг жамоатчилик давлатнинг расмий шиорларига ишонмай қўяди ва давлат меҳнаткашни ҳимоя қилмаётганини кўриб, ўз аҳволини ўзи яхшилашга интилади.

Рисола муаллифи тўғри кўрсатганидек, «Жамоатчилик фикри умуминсоний қадриятларнинг адолат, озодлик, (ўзаро) ҳурмат, тенглик, тинчлик, осойишталик, тотувлик сингари тушунчалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, буларнинг бирортасида мувозанат бузилгудек бўлса, кучли ижтимоий акс садо (норозилик) ҳолатини юзага келтиради. Муаллиф халқнинг ҳаёт тарзи, тарихий-маданий кечмиши, анъаналари, руҳий ўзига хослиги (менталитети), миллий табиати, иқлим шароитлари, иқтисодий аҳволи, эстетик, ахлоқий, маънавий бойлиги ёки қашшоқлиги, миллий ва диний қадриятларини қанчалик эъзозлаши жамоатчилик фикрининг мазмунини шакллантирувчи омиллар эканини тўғри кўрсатиб ўтади.

Рисола муаллифи жаҳон жамоатчилиги фикрининг истаги ва талаби, сотирилган бўлса-да, ижтимоий тафаккурда истилочиларга нафрат туйғулари сақланиб қолди.

Мансур Бекмуродов ватанимиз тарихининг энг муҳим босқичларидан бири — Муқанна ҳаракати ҳақида ёзар экан. У, атоқли муаррих Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарига суяниб, зардуштийлик мафкураси билан ислом мафкураси тўқнашувида жамоатчилик фикрида тобора ислом динига хайрихоҳлик устун кела бошлашини муаллиф тўғри кўрсатиб ўтган: «Мантиқ қуввати га кўра, ислом дини ва мафкураси Муқанна таклиф этаётган мавҳум таълимотдан беқиёс устун туради, уламо ва зиёлилар, даврнинг илғор кишилари ислом динида адолат, инсонпарварлик ва бошқа умуминсоний олий қадриятлар қадр топишини англай бошладилар». Шундан сўнг муаллиф Исмоил ибн Аҳмад Сомоний даврида ижтимоий фикрнинг шаклланишини таҳлил қилар экан, бу ёркин сиймо шахсидаги маънавий гўзал жиҳатлар унга сиёсий ғалабалар келтирганини яхши далиллаб беради: «Исмоил Сомоний камтаринлик, меҳр-шафқат каби инсоний фазилатлар эл оғзига тушиши, катта обрў-эътибор келтириши, бу фазилатлар негизида катта ижтимоий куч мужассам эканлигини жуда яхши билган» донишманд одам эди. Халқни жабр-зулм билан қўрқувда тутиб туриш ва халқ лаънатига учраш қаёқдаю, халқнинг меҳр-муҳаббатини қозониб, авлодлар хотирасида яхши ном қолдириш қаёқда? Пайғамбар авлодлари бўлмиш араб халифалари билан яхши алоқалар ўрнатган Исмоил Сомоний, Сабуктагин, унинг ўғли султон Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Шоҳрух, Бойсунғур, Улуғбек, Бобур, Ҳусайн Бойқаро каби давлат раҳбарлари адолатли, эзгу ишлари билан халқ қалбида меҳр-муҳаббат уйғотган ёркин сиймолардир.

Мансур Бекмуродов рисоласининг қимматли жиҳатларидан яна бири — Абу Наср Форобийнинг Афлотун талқинидаги қонунларга муносабатини теран таҳлил этганидир: «Давлат бошқаруви-вида, халқ турмуш тарзида умуминсоний қадриятларни қарор топтириш учун қайғурган Афлотун раҳбарлар учун зарур бўлган турли фазилатларни тушунтиради. Энг биринчи фазилат — оқкўнгиллик, иккинчиси — меҳр-шафқат, учинчиси — келажаги порлоқ бўлиши, тўртинчиси — (яхши ишлар билан) обрў-эътибор қозонишдир».

Муаллиф Абу Наср Форобийнинг «Фозил шаҳар одамлари» (асарнинг тўлиқ номи «Ароу аҳли мадинатул-фозила» — «Фозиллар шаҳри аҳолисининг фикр, қарашлари) асари ҳақида қимматли кузатишларини ўқувчилар билан баҳам кўради. У, Форобийнинг фикрларини таҳлил қилар экан, бундай ёзади: «Кишилар ислом ақидаларидаги муҳим талабиймондан кейин ёзилувчи, аммо иймондан қадр-қиммати паст бўлмаган лафзни ўртага қўйишиб, ахд, қасам асосида ўзаро иттифоқ билан боғланадилар». Бу ерда муаллиф иймон ва лафзни икки нарса деб ажратиб кўрсатиши нотўғридир. Инсоннинг ваъдасида, лафзида тириши, яхши ниятли ахдига вафодорлик — аслида иймон талабидир. Тўғри, тубан, разил одамлар ҳам ахдида туриши мумкин. Аммо, бу қандай ахдлиги, унинг мазмуни муҳимдир. Исломий, инсоний ваъдага, ахдга вафо қилиш фазилатдир; ёвуз, куфрона ахдига вафо қилиш — гуноҳдир. Ёвуз, куфрона ахддан қайтиш, иймон-инсофга келиш — фазилатдир.

Муаллифнинг қадимий ақидалар ва анъанавий урф-одатлардан қайсиларини сақлаб қолиш ҳақидаги фикрлари мунозаралидир. Унинг ёзишича, зардуштийликка хос оловга топиниш, зиёратгоҳ жойларни илоҳийлаштириб, уларга сиғиниш, ва ҳаттоки, давлат гербини сақлаб қолиш (Шердор мадрасасидаги қуёш тимсоли) ва ҳоказоларни ўтмишдаги ақидаларга ҳурмат деб баҳолаш марксизмга, динсизликка яқин фикрлашдир. Бу билан биз муаллифни динсизлик ёки иймон заифлигида айбламоқчи эмасмиз. Фақат, ўтмишдаги диний эътиқодларнинг ҳаммасини тўғри деб тушуниш хато эканлигини айтмоқчимиз. Аммо, ўтмишдаги турли эътиқодлар, уларга асосланган маданиятлар тарихини ўрганиш илм-фан талабидир.

Рисоланинг «Амир Темур ва жамоатчилик фикри», «Турон ижтимоий-сиёсий ҳаётида жамоатчилик фикрининг ўрни», каби фасларида ҳам олимнинг қизиқарли ва қимматли кузатишлари билан танишамиз. Биз бу қизиқарли фаслларни таҳлил қилиб ўтирмай, ўқувчиларнинг ўзи топиб ўқишар, деган умид билдирамиз. Мансур Бекмуродовнинг мазкур илмий тадқиқотидан бўлғуси тарихчи, файласуф, филолог, илоҳиётчи, социолог, сиёсатшунос олимлар, маърифат булоқларига ташна одамлар қимматли билимларни ола биладилар.

Маҳкам МАҲМУД,
Усмон ҚОРАБОЕВ,
Абдуқаюм ПАРДАЕВ

АСИЛ МАНБАЛАР, ХАЗИНАЛАР ВА БИЗ

Тарих — ибрат

Ўтмиш совет назариётчилари ўзбек халқи учун «янги» тарих, «янги» тил, «янги» маданият ва ҳатто «янги қадриятлар» яратмоқчи бўлди. Уни кўп минг йиллик порлоқ тарихидан, миллий ва маънавий қадриятларидан ажратиб, миллий ҳувиятини (моҳиятини) бузиб, ўтмиши ва барча моддий-маънавий ёдгорликларини инкор этиш даражасигача олиб боришни режалаштирди.

140 йиллик оқ ва қизил империя даврида ўзбек миллати тарихини воқеликдан узоқлаштириб ёзиш ва талқин қилиш учун бир сунъий мактаб яратилди. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи ана шу мактаб кўрсатмалари асосида ёзилиб келди.

Ҳар бир давлатда илмий юксалиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш билан уйғунлашиб ҳаракат қилиши керак. Акс ҳолда жамият ҳаётида мувозанатсизлик юз беради. Ўзбекистонда тарихчилик ушбу диалектик уйғунликдан узоқлашиб, тарих фани давр тақозоси ва мустақиллик талабларига жавоб беролмай қолди. Бора-бора ушбу масала етти йил мустақиллик даврида ўз ечимини топа олмаган мураккаб бир муаммога айланди. Ушбу тарихий заруратни сезган Президент Ислом Каримов яна бир жасоратли қадам қўйиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир қатор олимлари, тарих мутахассислари, ижодкорлар билан ўтказган учрашувда, бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланган Ўзбекистон тарихини ёзиш муаммосини ўртага ташлаб, унга доир саволларга жавоб сўради. Президент суҳбат жараёнида изоҳлаб ўтдиким, Ўзбекистон тарихчилари ҳозиргача ҳам совет тарихчилиги мактаби яратган ғоявий кишанлардан қутула олган эмас...

У тарихчилардан сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган, ўзбек давлатчилиги негизини ва тарихий пояларини исботлаб беришни сўради, ҳар бир тарихчи сиёсатчи бўлиши кераклигига урғу берди, замонавий довюрак олимларимиз етмайди, бунинг учун мактаб яратиш керак, деб кўрсатди.

Президент танқид қилиб ўтган масалалар дарҳақиқат инкор қилиб бўлмайдиган аччиқ воқиятлардан бошқа нарса эмас. Унинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистон тарихшунослигини собиқ совет дунёқарашлари кишанларидан озод қилишга чақириш эди. Ҳақиқатни кўришга ғов бўлиб турган ушбу қора пардани йиртиб ташлаш керак. Бундай қалин парда ортидан туриб воқеликни кўрсатиш ва ҳақиқатни англатиш имконсиздир.

Президент томонидан тарихчилар ва олимлар олдига қўйилган талаб ҳаққоний талаб бўлиб, ҳозирги ўтиш даврида бир тарихий зарурат ҳисобланади. Чунки ҳеч бир миллат ўзининг кимлиги — ўзлигини, тарихий илдизларини, яъни унинг ота-боболари қандай тафаккур ва дунёқарашга эга бўлиб, моддий ва маънавий маданият соҳасида нималар яратишга қодир бўлганлиги ва жаҳон тамаддунига нималар қўшганини билиб олмай туриб, порлоқ келажакка ишониши осон бўлмайди, ўзининг бой ўтмиши ва юксак миллий қадриятларини англаб олиб, миллий онги такомиллашган инсонгина, ўзига, ўз истеъдод ва қобилиятига, миллатининг талантига ишонч ҳосил қилиб, икқиланмасдан тараққиёт йўлига дадил қадам босади. Чунки ота-боболари ҳам тарих жараёнида шундай тараққиёт йўлларини босиб ўтиб, бу йўлда ҳар қандай тўсиқларни орадан кўтариб келгани унга маълум. Шу йўсинда боболар руҳи унга илҳом беради, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

Президент ўлка ва миллат тарихини ўрганиш учун асил манбаларни текшириб, тарихий ҳақиқатларни улардан қидириб топиб, исботлаб бериш кераклигини талаб қилди. Бу жуда тўғри ва ўринли истак. Негаки, ҳар бир фаннинг ўзига хос манбалари бор. Ижтимоий фанлар ва фанлар тарихини, айниқса тарих фанини унга тегишли манбаларга таянмасдан илмий услубда ўрганиш мумкин эмас. Лекин қайси манбалар? Советизм ғояларига асосланиб ёзилган асарлар ҳеч қачон ўзбек миллати ва унинг давлатчилиги тарихини тўла ва тўғри акс эттира олмайди. Чунки аксаран бундай асарлар муайян сиёсий мақсад, яъни советлар ҳокимиятини кўкларга кўтариш билан бирга, миллатларнинг миллий ғурурини синдириб, ўзлигидан узоқлаштириб уларни манқуртларга айлантириш ниятида ёзилар эди.

Ўзбек миллатининг қадимий маданияти ва буюк давлатчилигининг узоқ муддатли тарихини манбаларга асосланиб ўрганиш учун мақола муаллифи ўзининг айрим фикру мулоҳазаларини баён этиб ўтишни лозим кўради.

Биринчидан, туркий халқлар қадимий ёзма ёдгорликлари, айниқса ўрхун катибалари (тош тахталарда ёзиб қолдирилган битиклар) туркий тил ёзуви (уйғур ёзуви)да ёзиб қолдирилган асарлар, шунингдек, сўғд ва хоразм ёзувларига кенг мурожаат қилиш керак. Негаки, ҳар бир халқнинг тарихида ёзувнинг шаклланиши ижтимоий тараққиёт жараёнида унинг бир юксалиш босқичининг кўрсаткичи бўлиб, унга тегишли бўлган маданиятни исботловчи фактдир.

Ўрхун ёдгорликлари халқимиз ўтмиши, маданий ва маънавий ҳаётига оид жуда кўп фактларни ўз ичига олади... Ушбу ёзув Марказий Осиё ҳудудида ислом дини тарқалиши даврига етиб келган бўлса, Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк»ида, Алишер Навоий «Муншаот»да турк хати деб атаган уйғур ёзуви, темурийлар давлати, айниқса Султон Ҳусайн Бойқаро давлатида давлат ишлари бўйича ишлатиларди. Кейинроқ, XIX асрда шарқий Туркистонда уйғур хати номини олди.

Иккинчидан, археологик қазилма ёдгорликлари, нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудида, балки Ўзбекистон тарихи ва маданиятига тегишли бўлган турли давлатлар, айниқса Кўшонийлар, Яфталетлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Темурийлар давлатларига тегишли бўлган Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Ҳитой ҳудудларида топилган қазилмалар.

Учинчидан, юнон, хитой, арман ва ҳинд тарихчилари ёзган асарлар, айниқса, юнон ва хитой муаллифларидан қолган тарихий китоблар, саёҳатномалар ва йилномаларда Ўзбекистон қадимий тарихига оид жуда кўп қимматли маълумотлар борлигини тадқиқотчилар эслатиб ўтганлар. Негаки, қадимий Турон ҳудудида тузилган кўп давлатлар, айниқса, Юнон ва Хитой давлатлари билан яқиндан муносабатда бўлиб турган.

Бизга маълумки, Хитой саёҳатчиси Сюан-Цзан 17 йил давомида (629-645 йиллар) 120дан ортиқ мамлакатларда бўлган. У ўзи кўрган мамлакатлари, айниқса, Турон ва унда яшовчи халқлар ҳаёти, маданияти ва диний эътиқодлари ҳақида кенг кўламли маълумотлар ёзиб қолдирган. Ушбу сайёҳ ва тадқиқотчи олим биографиясининг қадимги туркий таржимаси 1991 йил Лилия Юсуфжонова Тугушева томонидан Москвада нашр эттирилган. Бу китоб тарихчилар, фольклорчилар, этнографлар, тилчилар учун муҳим манба. У доктор Қ. Содиқов айтганидек, боболаримизнинг қудратли давлатлари, юксак маданияти, бой тилга эга бўлган даврини эслатиб турувчи меросдан бир бўлаги.

Кейинги даврларда Хитой билан яхши муносабатлар жараёнида Шоҳруҳ Мирзо томонидан 1419 йил мазкур ўлкага катта расмий ҳайъат жўнатилди. Ушбу ҳайъат (элчилар) таркибида санъат аҳллари, йирик давлат арбоблари Бойсунқур Мирзо, Улуғбек Мирзо, Шоҳмалик Хораздм ҳокими томонидан тайинланган расмий кишилар ҳам бўлган. Бундай муносабатлар ўсиб борди. Улар маданий алоқаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу таъсир изларини Камолиддин Беҳзод ва унинг издошлари асарларида кузатиш мумкин. Шубҳасиз, Хитой тарихчилари ушбу дипломатик алоқалар, ҳайъатлар, борди-келдилар ва ўша давр ўзбек ҳокимияти ва маданияти ҳақида ҳам кўп нарсалар ёзиб қолдирганлар.

Шунингдек, юнон тарихчилари томонидан қадимий Турон ўлкаси ва унинг давлатлари ҳақида кенг кўламли маълумотлар берилган. Дейлик, Широқ қаҳрамонлиги, Тўмарис мажароси, скифлар, массагетлар ҳақидаги ёзма манбалар.

Тўртинчидан, ислом дини тарқалгандан кейин араб, форс, урду тилларда ёзган муаррихлар, сайёҳлар ва жуғрофидонларя, адиб ва адабиётшунослари ёзиб қолдирган сон-саноқсиз асарлар мавжудким, уларни ўрганмай туриб Моваройуннаҳр тарихи, ўзбек миллатининг кечмиши ва амалий ҳаётини тўлиқ ёритиш қийин бўлади.

Мақола муаллифи фикрича, манбашуносликни кенгайтириш ва ривожлантириш учун минтақадаги баъзи бир мамлакатларда амалга оширилгани каби, Ўзбекистонда ҳам тарих соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан биргаликда, таржима босқичини ҳам ўтказиш фойдали бўларди. Агар биз бугунги кунда мустақил Ўзбекистон кун сайин жаҳон миқёсида катта эътибор ва ҳурматга сазовор бўлиб келаётганини назарда тутсак, жумладан, тарихчилик ва адабиётшунослик фанларини ривожлантириб, халқаро меъёрларга мослаштириш учун ўзбек миллати маданияти, тарихи ва ўтмишига тегишли бўлган манбаларни, шунингдек, жаҳон адабиётининг йирик асарларини турли тиллардан ўзбек тилига таржима қилиб, халқ ва ёш тадқиқотчилар, адиб ва шоирларга тақдим этиш зарурлигини сезамиз.

Ўзбекистон ўз қадимий қимматли қўлёзмалар хазиналари билан жаҳон микёсида биринчи ўринларда туради. Биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 17 минг мужалладдан ортиқроқ қўлёзма асарлар мавжуд. Айрим мужалладлар бир нечтадан бошлаб 20-30 жилдгача, балки ундан ҳам кўпроқ китоблар нусхаларини ўз ичига олади. Масалан, Р 501 рақамда сақланаётган мужаллад Маҳдуми Аъзамнинг 26тадан кўпроқ мустақил рисолаларини ўз ичига олади. Агар кутубхонадаги қўлёзмаларни мустақил нусхалар асосида ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур фондда араб, форс, турк тиллари ва бошқа шарқий тилларда 40 мингдан ортиқ ноёб қўлёзмалар мавжуд. Бундан ташқари, диний идора китоблар фондида 2000дан ортиқ, Алишер Навоий номли давлат кутубхонаси ва бошқа кўплаб шахсий архивларда минглаб қўлёзмалар сақланиб келиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мисол суратда шарқшунослик фондида Р 1386 рақамдаги «Мажмуулвасоиқ» (васиқалар тўплами), Самарқанд маҳкамасининг XVI аср иккинчи ярмига боғлиқ бўлган 737 расмий ҳужжатни сақлаб келмоқда. Улар XVI асрда ўзбек давлатчилигида суд тизими ва унинг салоҳияти ва амалдаги қонунлари. Шунингдек, қайд этилган шартномалар, ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, халқнинг турмуш даражаси, ишлатадиган пуллари, урф-одатлари, расму ривожларини англаб олиб, текшириш учун чексиз аҳамиятга эга ҳужжатлардир.

Бу ўринда яна бир муҳим манбани эслатиб ўтишни лозим деб топдик. У Темурийлар давлатининг идомачиси бўлмиш бобурийлар давлатининг ҳуқуқий кодекси «Фотовои Оламгирий» ёки «Фотовои Ҳиндия» номли катта ҳажмли китобдир. Бу асар Аврангзеб Оламгир буйруғига биноан бир катта илмий ҳайъат орқали Шайх Низом раҳбарлигида тўрт жилд (3500 бет) ёзилган бўлиб, мамлакат бўйича барча судлар учун ҳуқуқий кодекс каби ишлатилиб келгандир. Асарнинг 18та нусхаси Шарқшунослик кутубхонасида мавжуд бўлиб, Темурийлар давлатида суд тизимини ўрганиш учун мўътабар манба ҳисобланади.

Манбашунослик бўйича Ўзбекистонда кадрлар етарли эмаслиги ҳаммага маълум. Бу соҳада кадрларни тарбиялаш бўйича айрим олий ўқув юртларида белгиланган дастурлар асосида иш олиб борилаётган бўлса ҳам, назарда тутилган юксак мақсадга эришиш учун етарли эмас. Фикримизча, олий ўқув юртларида, масалан, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти таркибида манбашунослик факултети ёки ўқув маркази шарқу ғарб мамлакатлари қўлёзмалар фондлари билан муносабатда бўлиб, изланувчиларни малака ошириш ва тажриба алмаштириш учун мазкур фондларга юбориб туриш яхши натижалар беради.

Ўзбекистон кутубхоналарида тўпланиб ётган ва катта миқдори ҳанузгача ҳам қўл тегизилмаган нодир ва такрорсиз қўлёзма нусхалар, ўзбек миллати, унинг тарихи ва давлатчилиги ҳақида кўп нарсаларни ўз саҳифаларида сақлаб келмоқда. Уларни ўқиб, тарихий воқеликларни белгилаб олиб, ватан тарихини ёзиш учун бошланган ҳаракатни тезлаштириш керак. Бу ўринда камоли мамнуният билан эслатиб ўтиш керакки, араб, турк ва форс тилларида ёзилган 1013 нусха қўлёзма китобларнинг каталоги, тарих фанлари номзоди Дилором Юсупова билан марҳума Раъно Жалилова ҳаммуаллифлигида тайёрланиб, нашр бўсағасида турибди.

Бу инкор қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқатким, кутубхоналардаги китобларнинг каталогини нашр этиш, изланувчилар ва китобхонлар учун катта ёрдам бериб, уларнинг ишини осон қилади. Агар бошқа қўлёзмалар фондлари ҳам улардаги қимматли китоблар каталогини тайёрлаб нашр этсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шундай қилиб, манбашунослик факултети ёки ўқув маркази ихтисослашган журнал нашр этиш, мустақил Ўзбекистонда ушбу соҳа бўйича кўп сонли етук кадрлар, довюрак мутахассис олимлар ва муаррихлар тарбиялаш учун ниҳоят қулай ва муносиб шароит яратиб беради. Президент ифодаси билан айтмоқчи бўлсак, Ўзбекистонда тарихчилик бўйича янги мактабга асос солиш учун муносиб замин тайёрлайди.

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

Юрт кечмишлари

ЖАДИДЛАР 1916 ЙИЛДА

Ўзбек халқининг миллий озодлик ва ҳуррият учун олиб борган кураши тарихида 1916 йил қўзғолони олтин саҳифани ташкил этади. Нафақат Туркистон, балки Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида гуриллаб ёнган қўзғолон олови, бир томондан, чор ҳокимияти ўтказаётган зулмнинг ҳаддидан ошгани, иккинчи томондан, XX асрнинг 10-йилларига келиб мўмин-мусулмон халқларнинг сиёсий онги ўсгани ва мустамлакачилик кишанларини парчалаш учун курашга астойдил отланганидан дарак берди.

Аср бошларида туғилган, 1905 йил воқеаларидан кейин эса янги нафас олган жадидларнинг бу миллий озодлик ҳаракатига муносабати ҳақида жуда оз ёзилган. Бу оз маълумотлар ҳам уларнинг 1916 йил қўзғолонидаги иштирокини салбий жиҳатдан баҳолайди.

Ҳамза ижодининг илк тадқиқотчиларидан бири Шариф Ризо «Янги саодат курашчиси» деган мақоласида (1939) жадидларнинг 1916 йил воқеаларига муносабатига тўхталиб, бундай ёзган: «Кечагина «Оҳ, миллатим!» деб тилини осилтириб юрган жадид зиёлилари ва ўзбек бойлари оқ подшога ўзларининг содиқликларини ва унинг «кўп йиллар яшаши» учун ҳар қандай оғир хизматга тайёрликларини билдирадилар». Шариф Ризодан тўрт йил аввал «Жадид адабиётининг синфий моҳияти масаласига» сарлавҳали мақоласида Ҳамид Олимжон ҳам худди шундай сўзларни айтган: «Бу вақтда ўзларини янгилик тарафдори, «инқилобий» халқ учун курашувчи қилиб кўрсатиб келган, ҳаммага «оч кўзингни», деб бақирувчи жадидлар йўлда чекилиб қолдилар. Улар исёнчилар билан, инқилобий омма билан бирга бора олмадилар. Исёнчилар, инқилобчиларнинг йўли ва иши улар учун ёт ва қўлдан келмайдиган бўлиб чиқди». Атоқли шоир мазкур масала хусусидаги фикрларини хулосалаб, «Қўзғолонни босиш, исённи тўхтатишда жадидлар чоризмга ёрдам қилдилар», деб ёзган. Шубҳасиз, бу ҳар иккала ёзувчининг жадидларни масхара қилувчи юқоридаги сўзлари шўро мафкурасининг талаби билан айтилган.

Агар бу ҳар иккала муаллиф жадидларнинг 1916 йил қўзғолонига бўлган муносабатлари ҳақида йўлма-йўлакай фикр билдирган бўлсалар, шўро даврининг таниқли тарихчиси М. Ваҳобов «Ўзбек социалистик миллати» китобида (1960) мазкур масалага махсус ўрин ажратиб, ёзган: «... туғилиб келаётган ўзбек миллий буржуазияси ва унинг мафкурачилари бўлган жадидлар 1916 йил қўзғолони даврида подшо ҳукуматига қарши чиқмадилар, аксинча, чоризм ва рус буржуазияси тарафида бўлдилар. Шунинг учун Туркистоннинг ўзбек районларидаги 1916 йил қўзғолони, бир бутун ҳалқ ҳаракатига айланмасдан айрим шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яккама-якка чиқишидан иборат бўлиб қолди...

Ўзбек миллий буржуазияси қўзғолонга раҳбарлик қилган тақдирда қўзғолон катта ютуқларга эришиши мумкин бўларди».

М. Ваҳобовнинг зикр этилган китобидан кейин кечган вақт мобайнида жадидчилик ҳаракати ва унинг арбоблари оқланибгина қолмай, улар ижтимоий, адабий ва маърифий фаолияти ҳақида кўплаб мақолалар ва рисолалар майдонга келди. Аммо уларда шўро тарихчисининг юқоридаги «илмий хулоса»сига бирор муносабат билдирилмади. Шунинг учун бу «хулоса»ларнинг айрим оқавалари бугун ҳам у ё бу тарзда учраши мумкин.

Жадидчилик ҳаракати XX аср Туркистон халқлари ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга молик ишларни амалга оширган бўлмасин, унинг стихияли тарзда пайдо бўлгани, сиёсий партия шаклини олмагани ва унинг сиёсий партияга хос белгилар — раҳбарлик қилувчи марказ, қатъий ҳаракат дастури, низом ва аъзоларга эга бўлмаганини назардан қочирмаслик лозим. Бу ҳаракат 1905-1917 йилларда «усули савтия» мактаблари, матбуот, адабиёт ва театр, шунингдек, митинглар орқали халқ оммасига муайян таъсир ўтказди. Лекин бу таъсир доирасига халқнинг барча қатламлари тортилди, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам жадидларнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармон муносабати билан бошланган стихияли қўзғолоннинг пировард тақдирини била туриб унга раҳбарлик қилиши ғайритабиийдир. **На қуролли кучлари, на партиявий шарт-шароитлари бўлган жадидлар қўзғолоннинг дастлабки даврида исёнчилар тарафида бўлдилар, айрим ҳолларда эса уларни қўллаб-қувватладилар. Лекин Туркистон бўйлаб ҳарбий ҳолат эълон қилиниши билан қурол-яроқсиз аҳолининг стихияли ҳаракати кўнгилсиз оқибатларга олиб бориши мумкинлигини билган жадидлар исёнчиларга раҳбарлик қилишни ўз зиммаларидан соқит қилдилар.**

Бунинг бир неча жиддий сабаблари бор. **Биринчидан**, масалан, 11 июл куни Тошкентда бўлиб ўтган қўзғолон оқибатида қўзғолончилардан 11 киши ҳалок бўлди, 15 киши эса жароҳатланди. Бундай талофатларни қўзғолончилар бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам бердилар. **Иккинчидан**, содир бўлган вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган уламо қўзғолонни диний ўзанга туширмоқчи бўлиб, халқни ғазаватга чақирди. Ғазават жазавасига тушган оммани эса ўзини ҳам, оқ подшо фармонига алоқаси бўлмаган рус аҳолисини ҳам хонавайрон қилиши ҳеч гап эмас эди. **Учинчидан**, вазиятнинг жиддий тус ола бошлаганини кўрган Туркистон генерал-губернаторлиги 17 июл куниёқ ўлкада ҳарбий ҳолатни жорий қилди. Фавқулодда ваколатга эга бўлган маҳаллий маъмурият оммавий тартибсизликда иштирок этган ҳар бир кишини ҳарбий ҳолат қонунларига кўра қаттиқ жазолаши мумкин эди. **Тўртинчидан**, Туркистонга шу кунга қадар раҳбарлик қилган генерал-губернатор аҳоли билан «пачакилашиб ўтирганлик»да айбланиб, унинг ўрнига Марказий Осиёни босиб олишда иштирок этган генерал-адъютант А. Н. Куропаткин генерал-губернатор этиб тайинланди ва унга фавқулодда ваколатлар берилди. **Бешинчидан**, қўзғолонни бостиришга чор ҳукумати ўлкадаги мунтазам қуролли кучлардан ташқари, яна 14 та баталон, 33 та казак ҳарбий қисми, 42 та тўп ва 69 та пулемёт жўнатди.

Ана шундай шароитда жадидларнинг 1916 йил қўзғолонига бошчилик қилишлари халқни жар ёқасига етаклаш билан баравар эди.

М. Ваҳобов давом этиб, ёзади: «Миллий буржуазия (яъни жадидлар — Н. К.) нинг қўзғолон вақтида қилган хоинлиги жадидларнинг хулқ-атворида очиқ намоён бўлди. Жадидлар 1916 йил қўзғолони даврида халқ ўртасида подшо фармонига сўзсиз бўйсуниш, фронт орқасидаги районларда ишлаш учун мардикор бериш тўғрисида пропаганда юргиздилар. Улар шаҳарларда мардикор олишга ёрдам комиссиялари туздилар. Бу комиссиялар мардикор ёшидаги кишиларни рўйхатга олиш, мардикорга юбориш учун одамлар ёллаш, халқни қўзғолон кўтаришга чақирган кишиларни тутиб бериш каби ишларни қилдилар...»

Тарихчининг жадидлар шаънига айтган узундан-узоқ айбномасини шу ерда кесиб, қуйидаги далилларни тарих фактлари сифатида ўртага ташлашни хоҳлардим.

Таниқли тарихчи Ҳамид Зиёев яқинда эълон қилинган «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» деган китобида 11 июл куни Тошкентда бўлиб ўтган воқеаларни шарҳлаб, бундай янги маълумотни беради:

«... Халойиқ полиция бошқармасининг мирзаси Терентевнинг бошини жароҳатлаган. Тошбўрон орқасида Себзор даҳасининг миршаби Саид Исмоилжонов, Шайхантоҳур даҳасининг миршаблари — Тилла Эшмуҳамедов ва Дониёрхўжа Исахўжаев ҳам ярадор қилинади. Аскарлардан уч киши жароҳатланади. Оломон бошқарма идорасини тошбўрон қилиб, унинг дераза ва эшикларини синдиради. Шу пайтда хотинларнинг қўзғолонга қатнашаётгалигини қоралаган Обид уста Азизхўжаев калтакланади. Бу киши шаҳар касалхонасида ўлган. Прокурор айбномасида бу ҳақда шундай дейилган: «Марҳум Обид уста Азизхўжаевнинг укаси 11 июл куни кечқурун касалхонага борганида, акаси жон беришдан олдин шундай дейди: «Мен полиция бошқармасининг тагида туриб, шовқин-сурон кўтариш ва тошбўрон қилиш, эркаклар турганда, хотинларга муносиб эмас, дедим. Шу ондаёқ кишилар ва хотинлар мени кўчага судраб олиб чиқишди. Бу ерда кимлардир биқинимга пичоқ урди».

Бу хотира лавҳасида тилга олинган Обид уста Азизхўжаевнинг жадидларга алоқаси йўқ. Биз унинг «шовқин-сурон кўтариш ва тошбўрон қилиш эркаклар турганда, хотинларга муносиб эмас», деган сўзларини оқламоқчи ҳам, қораламоқчи ҳам эмасмиз. Муддаомиз — қўзғолончиларнинг ҳар ҳолда шундай оқилона сўзларни айтган жадидларга ҳам шу тарзда муносабатда бўлганларини қайд этиш, холос. Бу ҳолни Ойбек ҳам «Қутлуғ қон» романида тасвир этган.

Обид устанинг ҳам, жадидларнинг ҳам қўзғолонни оқилона ўзанга йўналтирмоқчи бўлганларини хоинлик, деб баҳолаш тўғри эмас.

Қуролсиз, уюшмаган, бошқа бирор давлат ё халқаро ташкилотнинг ёрдамига таянмаган омманинг исён йўли билан чор ҳукумати фармонини бекор қилиши маҳол эди. Шунинг учун ҳам, жадидлар қўзғолонга раҳбарлик қилишни эмас, балки мардикорликка олиш билан боғлиқ айрим муҳим муаммоларни ҳал этишни ўз зиммаларига олдилар. Негаки, маҳаллий маъмурият ходимлари ҳам, қўли узун бойлар ҳам бева-бечораларнинг фарзандларига кўз олайтирган пайтлар оз бўлмади. Халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳатто Петербургга ҳам мурожаат этиш зарур бўлиб қолди. Шундай ҳолларда халқ дардига малҳам бўлиш мақсадида «Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси» ва унинг шаҳар бўлимлари тузилди. Тошкент жадидларининг сардори Мунаввар қори Абдурашидхонов ана шу қўмитага раис ўринбосари этиб сайланди. Жадид ҳаракати тарихининг билимдонларидан бири Сирожиддин Аҳмедов берган маълумотга кўра, у мазкур қўмита раисининг ўринбосари сифатида чор ҳокимияти олиб бораётган сиёсатнинг нотўғрилигини халққа йўли билан тушунтириш ва мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун Петербургга вакил юбориш ишларида фаол қатнашди. Ўша кезларда Давлат Думасининг А. Ф. Керенский раҳбарлигидаги комиссиясининг Туркистонга келиши ҳам Убайдулла Хўжаев ва Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг таклифи ва талаблари билан амалга ошган.

Наим Саид «Ҳамза Ҳакимзодани эслаганда» номли мақоласида (1929) мардикорларнинг биринчи тўдаси Россияга юборилгандан кейинги воқеаларни эслаб, бундай ёзган:

«Биринчи тўда учун Қўқон «халқи» томонидан тўпланган ишчилар (яъни мардикорлар — Н. К.) сафида шаҳарнинг ҳамма «яланг оёқ» фақирлари жўнатилган эди. Иккинчи тўда учун сотиб оларлик бева-бечораларнинг ўғиллари кифоя қилмайди, балки йўқ. Аввалда юз-юз эллик сўмга топилган «бекорчи» йигитларни ҳозир минг сўмга ҳам топиб бўлмайди. Бойваччаларни юборишга оталари розилик бермайдилар, бундай ишчи кучи танқислиги шаҳар амалдорларини тараддудга солиб қўйди. Лекин бойларнинг чўнтаклари қулай чора топиб берди.

Шаҳар катталари, амалдорлари бирлашиб, ҳар маҳаллада бўлган ўртаҳол фуқарони, уларнинг болаларини тўғридан-тўғри чақириб, мажбурий юборишга қарор қилинди. Лекин бу қарор уларнинг ичида бўлиб императорнинг фармонлари шакли билан эълон қилинди.

Катта пулдор ва мулкдорлар тарафидан майда косибларга, деҳқонларга бўлган ҳужумга тоқат қила олмаган баъзи зиёлилар бундай нотўғри сиёсат ҳақида марказга — Петроградга (тўғрироғи Петербургга Н. К.) хабар бериб, ундан комиссия келтиришга муваффақ бўлдилар. Бу комиссия келган куни шаҳарнинг бутун амалдорларини ўрнидан бекор қилиб, подшонинг «адолат»идан халқни маҳрум қилганларга жазо берилишини эълон қилдилар...»

Бу хотира сатрларида тилга олинган «баъзи зиёлилар», шак-шубҳасиз, жадидлардир. **Демак, жадидлар Мунаввар қори Абдурашидхонов сингари раҳбарлари ёрдамида чор салтанатининг пойтахтига ўз вакилларини юбориб, мардикорликка олиш вақтида рўй бераётган адолатсизликларни бартараф этишга ҳаракат қилганлар.** Айни пайтда уларнинг таклифи ва талаби билан Туркистонга келган комиссия маҳаллий маъмурият томонидан амалга оширилган жиноятларни ҳам фош этиб ташлади.

«1916 йилги қўзғолонни бостиришда, — деб ёзади Ҳамид Зиёев юқорида номи зикр этилган китобида, — чор маъмурияти томонидан йўл қўйилган шафқатсизликни текширган Дума аъзоси А. Ф. Керенский шундай хулосага келган эди: туб аҳолининг ғалаёнларини бостириш учун белгиланган жазо экспедицияси ўта шафқатсизлик билан ҳаракат қилиб, фақат эркакларни эмас, балки аёллар ва болаларни ҳам қириб ташлаганлар. Ўша экспедиция аҳоли турар жойларини шу даражада бузиб ва яксон этдиларки, бунақаси уруш майдонларида ҳам юз берган эмас».

1916 йил воқеаларининг иштирокчиларидан бири кўплаб уйларнинг талангани ва куйдирилганини айтган бўлса, бошқаси айрим шаҳар ва қишлоқларнинг бутунлай вайрон этилганига гувоҳлик берган. Муқим Ўрдушев исм-шарифли бир гувоҳ эса, мана бундай «беозор» манзарани чизиб берган:

«Тошкентдан Жиззахга келдим, — деган у, — кечаси станцияга етиб, намоз вақтида шаҳарга тушиб кетдим. Йўлда кўп солдатларни кўрдим. Уларнинг ёнида халқдан тортиб олинган қимматли рўзғор ашёлари тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Солдатлар қимматли ипак сўзаналар, атлас ва шоҳи кўрпаларни ёпиб қўйибдилар. Ипак газламалар, шоҳи кўрпаларни тупроққа ёзиб, устида ағанаб ётибдилар. Ҳовлига чиқсалар ҳам шоҳи ва атлас кўрпаларни ёпиниб чиқмоқдалар. Бу ерда халқдан тортиб олинган мингларча от-моллар ва қўйлар турибди. Оёқ остида босилиб ётган қимматли нарсаларни кўриб, жуда раҳмим келди... Эски шаҳарга тушсам, энг яхши бинолар, маҳаллалар, шаҳар кўчаларидаги тимлар, дўконлар, ошхоналар ва чойхоналар куйиб, ер билан теп-текис бўлган. У ерда бойўғли сайрамоқда. Халқ оч ва яланғоч, жуда оғир аҳволда...»

Шундай манзаралар билан муроса қила олмаган жадидлар нажот йўлини излаб, Петербургга кўз тикдилар. Тўғри, Давлат Думасининг Туркистонга келган аъзолари жадидларнинг умид ва ишончларини тўла оқлай олмади. Аммо, ҳарқалай, А. Ф. Керенский чор ҳокимияти туфайли Туркистонда рўй берган шафқатсизликларни Давлат Думаси минбаридан туриб, дадил айта олди.

М. Ваҳобов жадидларнинг оғир вазиятда қолган юртдошлари юкини енгил қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларини мутлақо четлаб ўтиб, яна бундай ёзади: «Жадидларнинг бу даврдаги газета ва журналлари қўзғолончиларни қоралайдиган (?), подшо ҳукуматини мақтаб, мардикорликка бориш мусулмонларнинг подшо олдидаги, ҳатто худо олдидаги бурчларидан бири, деб ташвиқот қиладиган мақолалар билан тўлиб чиқарди. Масалан, «Ал-ислоҳ» журналининг 1916 йилдаги 16-сонида қўзғолонни бостириш учун подшо томонидан Туркистонга юборилган генерал-губернатор Куропаткинга бағишлаб махсус мақола чиқди. Бу мақолада Куропаткин кўкларга кўтарилади, қўзғолончилар бебошлар, тартибсиз кишилар, деб қораланади».

Тарихчининг бу сўзлари туҳматнамо бўёқлардан ҳоли бўлмаса-да, уларда ҳақиқат уруғлари ҳам йўқ эмас. Чиндан ҳам, жадидлар Куропаткин шаънига ҳамду сано айтишдан ўзларини тиймадилар. Нафақат Акбарий исмли жадид, балки Ҳамза, Авлоний, Тавалло сингари шоирлар ҳам Куропаткинга мадҳия ўқидилар. Улар қўзғолонни шафқатсизларча бостириш ва бундан кейинги ғалаёнларга йўл қўймаслик шарти билан Туркистон ўлкасининг янги генерал-губернатори этиб тайинланган Куропаткиннинг тош кўнглини шундай йўллар билан эритмоқчи бўлдилар.

Мазкур қўзғолон ҳақидаги расмий ҳужжатлардан шу нарса маълумки, 1916 йилнинг 25 июлидан 15 сентябрига қадар бўлган даврда ҳарбий прокурор назорати 3 мингдан зиёд қўзғолончилар ишини кўрган. Суд жавобгарлигига 587 нафар киши тортилган бўлиб, улардан 347 таси ўлим жазосига, 104 таси каторгага, қолганлари эса турли муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилган. Бундан ташқари, чор ҳукумати тузган режага кўра, 250 минг туркистонлик мардикорликка олиниши лозим эди. Ана шундай шароитда жадид шоирлари Туркистоннинг янги генерал-губернаторини «сен яхши, сендан от яхши» мазмунидаги ҳамду санолар билан кутиб олишга қарор қилдилар ва уни шафқатли бўлишга чақирдилар. Жумладан, Тавалло Куропаткинга бағишланган шеърида бундай ёзди:

... Қайси фарзанд отаси
олдига борса «оталаб»,
Бас, кучоғига олиб,
бошин силаб, дейдир болам.
Бағри бирён, кўзи гирёнларга
шафқат қилдингиз,
То тирик ҳақингиза айлар
дуое хосу ом...

Бу сатрларнинг ўзиёқ жадидларнинг Куропаткин шаънига ҳамду сано айтишдан кузатган мақсадларини ошкор қилиб турибди.

Дарвоқе, улар қўллаган тактика ўз самарасини берди. Энг олий жазога ҳукм этилган 347 нафар қўзғолончидан 51 киши қатл этилди, каторгага юборилган ва қамоқ жазоси белгиланган кишилар сони ҳам анча қисқарди. Режадаги 250 минг киши ўрнига 123 минг киши мардикорликка олинди.

1930 йили Мунаввар қори Абдурашидхонов гуруҳи устидан олиб борилган тергов материалларидан шу нарса маълум бўладики, қўзғолон арафасида адвокат Убайдулла Хўжаев билан Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ўзаро яқинлашуви уларнинг 1916 йил воқеалари пайтида бундай стратегияни белгилаб олишларига имкон туғдирди. Улар, модомики, Туркистон аҳолиси мардикорликка олиш воқеаларидан четда тура олмас экан, демак бу мудҳиш воқеадан халқ ва ўлка манфаати йўлида фойдаланиш керак, деб билдилар. «Фарзандларимизни мардикорликка эмас, балки аскарликка юборамиз. Мардикорлар олдинги марраларга бориб, ҳандақ қазийдилар. Демак, улар ҳандақ қазиётган пайтларида душман уларни бир зумда гумдон қилиши мумкин. Негаки, мардикорларда қурол-яроғ бўлмайди. Шунинг учун биз фарзандларимизни аскарликка юборамиз», деган талаб билан чиқдилар. Уларнинг бундай талаблари тагида бошқа бир ният бўлган. **Чор ҳокимиятининг немислар билан урушда ҳоли танг келиб қолганини кўрган жадидлар яқин йиллар орасида мустақиллик учун ҳаракат бошланиши мумкинлигини сезиб, биринчи жаҳон уруши фронтларида бўлажак ўзбек миллий қўшинини яратишни орзу қилганлар. Улар мўлжалига кўра, қурол-яроғ билан муомала қилишни ўрганган ўзбекларнинг яқин вақт ичида миллий инқилобни амалга ошириши мумкин эди.**

Шундай қилиб, Убайдулла Хўжаев билан Мунаввар қори Абдурашидхонов қўзғолон бошида, қўзғолончилар тарафида бўлганларига қарамай, мардикорликка олиш қўмитасига раҳбарлик қилдилар. Айни пайтда Петербургга вакиллар юбориб, Туркистонда содир бўлаётган ҳақсизлик ва адолатсизликка чек қўймоқчи бўлдилар. Шубҳасиз, улар ва бошқа жадидлар, шўро тарихчи ва ёзувчилари ёзганидек, Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракатига хоинлик қилмай, аксинча, жабрдийда халқни тўғри йўлга бошлаш, унинг дардига малҳам бўлиш, унинг боши узра лопиллаб турган қилични бартараф этишга уриндилар. Уларнинг 1916 йил қўзғолони пайтида орттирган тажрибаси Феврал инқилобидан кейин айниқса асқотди.

Убайдулла Хўжаев ва бошқа бир қатор жадидларнинг аввалги фаолиятидан хабар топган Куропаткин уларни Кавказга сургун қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Аммо Убайдулла Хўжаев шериклари билан сургунга кетиши арафасида Февраль инқилоби юз берди. Бу инқилоб эса, ўзбек жадидларини эмас, балки Куропаткиннинг ўзини Туркистон тупроғидан улоқтириб юборди.

Наим КАРИМОВ,
профессор



Танқидчи ёзувчига

ЁҚУТНИНГ ШИРИН ЁЛҒОНЛАРИ

Биродарим Абдуқаҳҳор ҳожи!

Шахсий кутубхонамда Сизнинг деярли барча асарларингиз бор бўлиб, улардан «Осмон яқин, ер юмшоқ» ҳикоялар тўпламини, рус тилида чоп этилган «Мени айтди деманг» драмалар жамулжамини, «Тил тақдир демак» номли рисолани, Нарзулла Жўраев, Хайриддин Султонов билан ҳаммуаллифликда ёзган «Ватан туйғуси» китобингизни дастхат ёзиб тақдим этгансиз. Яқинда «Шарқ» нашриёт матбаа концернида чиққан «Уйқу келмас кечалар» романингизни қўлга олдим. Ёдимда, Тошкентнинг етук театрларида ўйналган «Биринчи бўса», «Зўлдир», «Арра», «Мени айтди деманг» асарларингизни ўзингиз билан ёнма-ён ўтириб томоша қилган, ижодий ютуғингизга сидқидилдан қувонганман. Бобонгиз, амакиларингиз, яқин қариндошларингиз ҳаётда ўчмас из қолдирганлар. Сиз ҳам қўлингизга қалам олибсизки, поклик, эзгулик, орият, ғурур ҳақида ёзасиз. Ўзбекни ўзлигини англашга ундайсиз. Коммунистик мафкура қиличи кескир бир паллада «Биринчи бўса» асарингиз яратилди, театрлар саҳнасидан узоқ муддат муқим ўрин эгаллади. Ўша асарда ашаддий коммунист, комсомоллар ҳаёлига келмаган гапни — биринчи бўса ҳаром бўлса, инсоф иймон йўқолади; қурилажак оилада баракот, тотувлик бўлмайди — деган ғояни бадиий тасдиқлаб бердингиз.

Истиқлол сизнинг қулоқ дилингизни очиб юборди, мустақиллик жабҳасининг чин жарчисига айлантирди: ўзбекона урф-одатлар, анъаналар, халқ тили, дили, маданияти, маърифати ҳақида мақолалар ёзишдан чарчамадингиз, қатор илмий-оммабоп рисолалар чоп эттирдингиз. Айниқса, «Ватан туйғуси» (А. Иброҳимов, Н. Жўраев, Х. Султонов) китобингиз қўлдан-қўлга ўтди, тилдан тилга тушди: асар муҳокамаси мактабларда, олий ўқув юртларида, турли ташкилотларда, корхоналарда давом этди.

Мана, «Уйқу келмас кечалар» романингизни тез, қизиқиб ўқиб чиқдим. Анчадан бери мактуб шаклида ёзилган асарни ўқимаган эдим. Машҳур санъаткорлар асарлари мактуб тарзида ёзилганлиги маълум, қолаверса, Абдулла Қодирий романларидаги мактубларни китобхон завқ-шавқ билан ўқийди. Тўхтасин Жалолов тадқиқотлари, бадиий асарларида бўлмасин, мактуб йўсинидан унумли фойдаланар эдилар. 60-йилларда қаҳрамон иқрори тарзида кўплаб асарлар ёзилган бўлиб, уларда ҳам нома шаклидан фойдаланиларди. Илмий техника тараққиёти, электр ҳисоблаш машиналарининг ҳаётимизга кириб келишимикин, ақл-хуш йўриғига юриб ёзиш, туйғулардан йироқ тасвир йўсини кучайди. Романингиз мактуб шаклида бўлса-да, кўпинча холис тасвир йўлида юрасиз. Романни ўқиётиб негадир беихтиёр яна «Ватан туйғуси» китобингизни қўлга олгим келди. Ўзимча пором ўринларни қайтадан ўқиб чиқдим. Ажаб романда илгари сурилган ғояларнинг калитини шу ердан топдим:

«Оила расмий тус олган тақдирдагина, эр хотини олдида, хотин эри олдида, уларнинг икковлари фарзандлари олдида, фарзандлар ота-она олдида масъулиятли ва бурчли бўладилар: маънавий муносабат дейилганда эса эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия каби инсоний туйғулар ва талаблар кўзда тутилмоқда» (82-бет).

Ҳар қанча зўр, силлиқ ёзилгани билан мақола мақола-да: бир ўқилади, муносабат билдирилади. Бадиий асарнинг йўриғи бошқа: у ўзига хос олам, тирик вужуд сингари таъсир этади, турли авлод китобхоналарга етиб боради.

Тарихнинг бурилиш нуқталарида замоннинг муҳим гаплари айтиладиган, одамлар кўзини очадиган, унга тўғри йўл-йўриқ кўрсатадиган асарларга эҳтиёж туғилади. Аср бошларида А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Авлоний сингари ижодкорлар ўзлари яшаб турган даврнинг долзарб масалалари кўтарилган асарлар яратдилар. Ўша замон учун шундай асарлар сувдай зарур эди.

Мустақиллик, истиқлол юртимиз тарихидаги Буюк Бурилиш нуқтасидир. Ҳозир ўтмиш, бугунги кун, келажак нурли ғоя билан ёритилмоқда. Шу кунларда ўтмишимизни, кечаги кунимизни ҳаққоний тасвирлаб берган асарларга эҳтиёж кучли. «Уйқу келмас кечалар» романингиз аҳамияти, зарурлигини мен бундай англайман: келажаги улуғвор, бақувват давлатнинг пойдевори қуриляпти. Уни собиқ Шўродан ўтиб келаётган сохталикларнинг, маънавий-руҳий нопокликлардан синчковлик билан тозалаш лозим. Яратилажак давлатнинг асосини пок, инсофли-иймонли оилалар, ҳалол муносабатлар ташкил қилади. Афсус, романингиз қаҳрамонлари Фахри Камол ва Ёқутхон барпо этган оила мустаҳкам бўлмади. У қандай тез қурилган бўлса, шунча зудлик билан емирилади. Нега?

Фахри Камол, Ёқутхон характери шўро замонида — таълим-тарбия негизига атеизм сингиб кетган, коммунистик мафкура қалб кўзини кўр қилаётган пайтда шаклланди. Асарингизнинг аксарият қаҳрамонлари зиёлилар, аниқроғи ёзиёнамо кишилар, шўро даврида қайси зиёли ўзлигини бус-бутун танирди, ҳақ-ҳуқуқини биларди, бозор-ўчар муносабатлари яшашнинг асосий илдизи эканлигини англарди, дейсиз? Қолаверса, XX асрда, Шўро даврида ташқи кўринишимиз замонага монанд бўлган билан феъл-атворимиз, урф-одатларимизда аллақачон эскириб, чириб кетган томонлар йўқ эдими? Фахри Камол тагли-тахтли оила фарзанди бўлган. У ўзи сингари насл-насабли, ўқимишли оилада тарбияланган аёлга уйланган. Бу оиланинг сирти силлиқ эдию, аммо эр-хотин орасида севги йўқ эди. Бундай муносабатга қарши биринчи бўлиб аёл бош кўтарди: тақво йўлини танлади, жуфти ҳалолининг бошини очиб қўйди. Муҳими, у қалбига бошқа йўналишдан малҳам, таскин топди.

Фахри Камол зинҳор биринчи хотинини ёмонламайди, болалари ҳақида ҳеч нима демайди. Аммо у биринчи кўришдаёқ Ёқутхонни севиб қолди. Унинг туйғуси самимий.

Ёқутхон-чи? У балоғат ёшига етар-етмас узатилиб юборилди. Эри ёмон одам эмасди: хотини, бола-чақасини моддий таъминлаган бир оилага етиб ортадиган шароит яратган эди. Аммо Ёқутхон эрини севмас эди, уларнинг уйида бот-бот жанжал бўлар; аёл болаларини олдига солиб отасиникига кетиб қолар, эр уни уйига қайтариб олиб келарди. Нимадир бўлдию эр юрак ҳуружи касали билан ҳаётдан кўз юмди. У энди 43 ёшга кирган эди. Эрнинг бевақт ўлимида севгисиз турмушнинг таъсири йўқ дейсизми?

Ана энди Ёқутхон «ўзини роса қўйиб юборди». Зарина, Вазира, Лобар, Бону сингари эрсиз аёллар билан топишди, чет элларга тижорат юмуши билан қатнай бошлади. Дугоналар бир-бирларини қўллашади: Зарина, Ёқут билан ҳам ортда қолган. Ҳар иккиси қиз узатган, невaралари бўлиш арафасида. Фахри Камол ўз ўтмишини яширмайди, на тақводор хотини, на фарзандлари ҳақидаги гапларни сир тутмайди. У ёш йигитдай Ёқутхонга ишонади, уни севади. Кечиккан севги Фахри Камол борлиғини қамраб олади, у ҳаётини Ёқутхонсиз тасаввур эта олмай қолади. Фахри Камол Ёқутхон билан шариат арконларига биноан никоҳ ўқитади, ўзаро садоқат, севгига Қуръони каримни ўртага қўйиб қасамёд қилади: чоғроқ бўлса-да, тўй қилади. Ёқутхон эса Фахри Камол қаршисида бошдан-охиригача моҳир актёрдай рол ижро этади. Қиёфаларга киради. Ёқут севги, садоқат ҳақида қасамёд қилар экан, виждонан қийналмайди.

Москвага борганларида Ёқутхон яна шундай қиёфага киради, эри қаршисида ўзини бахтиёр аёл, ҳузур қилаётган ёр сифатида тутса, яширин ишларини ўта пинҳона, ими-жимида амалга оширади. Фирмадаги ишлари бир ёқли бўлгач, у ҳеч тортинмасдан, юз хотир қилмасдан Москвада яна 5-6 кун қолишини Фахри Камолга билдиради. Агар эри қаршилик қилса, Ёқут Москванинг ўзидаёқ Фахри Камол билан орани очиқ қилиши мумкин эди.

Романда Ёқутхоннинг фош бўлиши ҳар бир воқеа-ҳодиса орқали кўрсатилиб борилади. Ёлғончи Ёқут не сабабдан Фахри Камолга бунчалик ёпишиб олди? Фахри Камол юқори лавозимда ишлар, халқ орасида катта обрўга эга эди. Ёқутхон Марғуба сингари чапани, тўпори эмас. У Фахри Камолдан узоқлашар экан, ўша-ўша мулойим, ёқимтойлигича қолади. Эшикни астагина ёпиб, муҳими, «... Олдимга борманг, телефон ҳам қилманг. Керак бўлсангиз, ўзим сизни топиб оламан» — дейди-да, орани очиқ қилади.

Романда Содиқ ва Санобар, Танзила ва Қўзивой, Зуфар ва унинг хотини, Марғуба ва Қодирқул оилалари фожеаси ҳам тасвирланган. Содиқ хиёнаткор аёлини бўғизлайди. У дунёда суюкли Санобари билан бирга бўлишига ишонади. Қўзивой Содиққа ўхшаб хотинини ўлдирмайди. У нозик йўл тутади. Эр хотинининг бурнини қирқиб ташлайди. Бузуқ аёл тасқара башара билан энди ҳеч кимни «илинтира» олмайди. Муҳими, Танзила ўз бузуқлиги ажрини олади: умрбод маломат остида яшайди.

Азиз ёзувчи биродарим! Романингизнинг биринчи — «Булутли тонг» қисмига сўнгги нуқтани қўйибсиз. Дарвоқе, «Булутли тонг» номи Фахри Камол руҳияти орқали ишонарли тасвирланган. «Уйқу келмас кечалар»нинг иккинчи қисмида қайси масалаларни кўтараркансиз, қайси қаҳрамонингиз асосий куч сифатида намоён бўларкий. Сизга ижодий омад, сиҳат-саломатлик тилаб,

Абдуғафур РАСУЛОВ

«Алпомиш» достонининг улуғ тўйи олдидан

АЛПОМИШНИ КУЙЛАГАН ЮРТ БУ

Урушдан кейинги илк йиллар эди. Кечагидай эсимда. Бутун қишлоқ аҳли — ёш ҳам, кекса ҳам, аёл ҳам, эркак ҳам, барча оқшомлари каттакон сайисхонада йиғилишиб, кўсак чувирдик. Ўшанда кексайиб қолган Одил бахшининг нимқоронғу бинони титратгудек терма-ю достонлари, эртагу қўшиқлари кун бўйи далада ишлаб ҳолдан тойганларнинг ягона овунчоғи эди.

Қорачироқ ёқилиб, ҳамма тўпланиши ҳамоно бахши дўмбирасини қўлга оларди:

Бугун яна дўмбирамни созлайман,

Гўрўғлию Алпомишдан сўзлайман.

Одил бахши достон ёки терма куйлашдан аввал ана шу машҳур икки мисрасини алоҳида бир муҳаббат билан хониш айларди. Бу мисраларда гарчи Алпомиш тилга олинса-да, лекин бахши тилидан ана шу баҳодир куйланган достонни ҳали биз тенги кўпгина ёшлар эшитмаганди.

Бир оқшом чинакам эсда қоладиган воқеа рўй берди. Одил бобо ҳали дўмбирасини қўлига олмасдан «кўракхона»да:

— Бу оқшом бобомиз «Алпомиш»ни куйлайдилар! — деган тантанавор овоз эшитилди. Бу бир йил аввал фронтдан қайтган, айни чоқда Ванғози қишлоқ шўроси котиби вазифасида ишлаётган, адабиётга бўлган шайдолиги туфайли ҳамқишлоқлари меҳрини қозонган, Одил бахшининг чинакам мухлиси Абдуғаффор деган йигитнинг овози эди.

— Қўймадинг, қўймадинг-да, ўғлим, — деди кувноқ оҳангда Одил бахши.

— Илтимос, бобожон, илтимос. — Сира кутилмаганда қарсак янграса бўладими.

— Майли болаларим, майли, — деди Одил бахши дўмбирасини созлай туриб. — «Алпомиш»ни бир кечада куйлаб тугатолмасам керак, деб қўрқаман.

...Сайисхонага кундузи ташиб келтирилган кўсак ҳам чувиб тугатилди. Ташқарида тонг ҳам оқара бошлади. Бироқ бахшининг дўмбираси ҳамон янграмоқда эди...

... Энди эсласам, қарийб 70 — 75 йил умр кечирган Одил бахши куйлаган ўша достон «Алпомиш»нинг энг қисқа ва энг оммабоп вариантларидан экан.

Ҳа, ўтган асрнинг охири ва тугаб бораётган XX асрнинг биринчи ярмида бугунги Қизилтепа заминида яшаб ўтган пўсхўрлик Одил бахши ва кенагаслик Саидмурод жиров Паноҳ ўғли ижодида «Алпомиш» достони алоҳида ўрин тутган. Гарчи Одил бахши ижросидаги достон бизгача етиб келмаган бўлса-да, Мурод жиров куйлаган «Алпомиш» халқимизнинг мулкига айланиб қолган.

Саидмурод жиров Паноҳ ўғли (1858 — 1945) 1938 йилда Тошкентда бўлиб ўтган халқ ижодкорлари кўригига қатнашиб, зўр муваффақият қозонади. Шундан кейин унинг ижодига мансуб асарларни ёзиб олишга эътибор берилади. Шоир Амин Умарий, фолкршунослардан Маҳмуд Зарипов ва М. Тошпўлатовалар бахшининг баъзи термаларини, «Одилхон» достонининг бош қисмини ёзиб олади-лар.

Мурод жиров ижодига тааллуқли бўлган жуда кўп терма ва достонларни ёзиб олишда шоирнинг қишлоқдоши Шамси Муродов катта хизмат қилган.

ИЗОҲ: Шамси Муродов 1925 йилда туғилган. 1938 йилдан бошлаб Саидмурод жировдан «Алпомиш», «Одилхон», «Гўрўғлининг Қримга бориши» каби достонларини, бир неча термаларни ёзиб олган. У 1940 йилда еттинчи синфни битиргач, хўжалик ишларига жалб қилинган. 1944 йил октябрида фронтга кетиб, 1945 йил бошларида жангда ҳалок бўлган.

Мамлакатимизда машҳур фолкршунос профессор Тўра Мирзаевнинг алоҳида таъкидлашига қараганда, жировдан ёзиб олинган «Алпомиш» достони варианти бошқа шоирлар куйлаган достонлардан фарқ қилиб, у анча мукаммалдир. Мурод жировнинг 1972 йил «Фан» нашриётида босилиб чиққан «Одилхон» китобига Т. Мирзаев томонидан ёзилган сўзбошидан келтириладиган қуйидаги парчада бу янада яққол кўринади: «Саидмурод Паноҳ ўғли вариантида тасвир ниҳоятда сиқиқ берилган... Лекин... бадиий тасвир қанчалик тораймасин, сюжетнинг асосий халқалари батамом сақланган, у эпик анъанага мос равишда баён этилган. Ҳ. Зарипов кузатишича, эпоснинг халқ ўртасида бир тунда ёки маълум бир вақтда куйлаш учун мўлжалланган, нисбатан қисқа вариантлари ҳам бўлган. Саидмурод Паноҳ ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» ана шундай вариантлардан бўлиши керак. Унинг бадиий, эстетик қиммати ҳам шундадир».

Дарҳақиқат, Мурод жировдан ёзиб олинган достонда Алпомиш, Барчиной, Қоражон, Қалдирғочойим, Қултой, Тойчихон, Товкаойим, Қайқубод каби асар қаҳрамонлари, ҳатто Алпомишнинг бедов оти Бойчибор ўзига хос тасвирлар билан куйланганки, бу бахши истеъдодини яққол кўрсатиб турибди.

Маълумотларга қараганда, «Алпомиш» достонининг халқ бахшиларидан ёзиб олинган ўттиздан кўпроқ намуналари мавжуд. Демак, шулар орасида Зарафшон воҳасининг сўлим гўшаларидан бири Қизилтепада яшаган Саидмурод жиров Паноҳ ўғлидан ёзиб олинган вариантнинг мавжудлиги адабиёт мухлисларини, хусусан, халқ оғзаки ижоди ихлосмандларини севинтиради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достонининг улуғ тўйини нишонлаш тўғрисидаги тарихий қарори кўнгилдагидек бўлди.

ИЛОВА: Мустақиллигимиз шарофатидан Туронзамин халқи қаҳрамони Алпомиш мадҳ этилган меросимиз қадрини топди. Минг шукурки, бу достонни куйлашган бахшилар руҳи ҳам шод бўляпти. Шу муносабат билан бир илинжимиз бор. Адабий давраларда «достонлар хазинадори» дея шарафланган Саидмурод жировнинг «Тошработ» жамоа хўжалиги худудидаги «Сайилтепа» мозористонидаги қабри обод этилса, хайрли иш қилинган бўларди.

Умид САТТОРОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси,
Мехнат фахрийси

ШЕРОБОДДАН САДО БЕРАР...

Сурхондарё заминининг ҳар бир мисқол тупроғини олтинга ўхшатгим келади. Чунки ҳали очилмаган, ўрганилмаган қирралари кўп. Агар бу юрт тупроғини элакдан ўтказиб, халқ ижодиётини чуқурроқ ўргансак, у ўзбек халқининг, қолаверса, бошқа халқлар тарихидан, унинг ўтмиш маданиятидан, урф-одатларидан, анъаналаридан дарак берувчи кўҳна тилсим ҳисобланади.

1998 йилнинг март ва апрел ойларида Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Қизириқ туманларида мусиқий фолклор экспедицияси иш олиб борди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳар иккала туман маданий тарихи ва халқ оғзаки ижодиёти ниҳоятда бой.

Шеробод ва Қизириқ аҳолиси азал-азалдан чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва қисман кулолчилик ишлари билан шуғулланиб келган. Бу эса халқ ижодиётининг хусусиятларига ўз таъсирини ўтказган.

Шерободнинг эски номи «шаҳри Ҳайбар» бўлиб, Искандар Зулқарнайн замонларида ҳам мавжуд бўлган.

Бир ривоятга кўра, номнинг асли «Шоробод» бўлиб «Шо» — «бош», «робот» — «катта карвони сарой» — оддийроқ қилиб айтганда, — «бош бекат» маъносини англатган. Бухоро амирлиги даврига келиб эса Шеробод беклиги деб аталган. 1925 йилда туман сифатида тилга олинган. Шу ўринда Қизириқ тумани тарихига ҳам тўхталиб ўтсак. Қизириқ тумани асримизнинг 70-йилларидан кейин Шеробод тумани таркибидан ажралиб чиққан. Бир пайтлар Қизириқ тумани ерлари қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жазирама иссиқ бўлган. Аҳоли ернинг иссиқлик даражасини қизариб ботаётган қуёшга ўхшатган. Шунинг учун ҳам «Қизириқ» деб аталган.

Бу икки туман халқ оғзаки ва қўшиқчилик ижодиёти бой ва ранг-баранг. Айтимлар, диний, мавсум-маросим қўшиқлари, йиғи ва йўқловлар, оилавий қўшиқ айтимлар бу ерларда ғоят ривожланган. Шу билан бирга, халқ оғзаки ижодида ўзининг тақрорланмас ижрочилик услуби билан маълум машҳур бахшичилик санъати ва аёллар орасида достон айтувчилари билан ҳам шуҳратланади.

Албатта, бой халқ ижодиёти анъаналари жуда кўп фольклор жамоалари, халқ ансамбларини юзага чиқарган. Шеробод тумани маданият бўлими мудираси Шарофат Ўтаева, маданият директори Тўра Мажидов, Қизириқ туман маданият бўлими мудири Назар Бойқўчқоров, маданият директори Равшан Ражабовлар ўз ишларининг фидокорлари бўлиб танилганлар. Фолклор дасталари халқ ижодиётини ўтмишда қандай бўлса шундай ёритишга ҳаракат қилиб, халқимизнинг битмас-туганмас ижодиёти хазиналарини қайта тиклаб, тиригитирмоқдалар. Ойсоат Мўминов раҳбарлик қилаётган «Қўнғирот» фолклор-этнографик ансамбли, туман шифохонаси қошида ташкил этилган «Лайлак» фолклор жамоаси, Шеробод туман 56-мактаб қошидаги Дилбар Каххорова раҳбарлик қилаётган «Дилбархоним» фолклор-этнографик ансамбли ҳамда Улаш Туробов жамоа хўжалигидаги Ҳайитгул Бегатова раҳбарлик қилаётган фолклор жамоалари доим изланишда. Халқ ансамблида ўзининг жўшқин қўшиқлари билан халқимизга манзур бўлиб келаётган Ҳусан Норбўтаев ижоди таҳсинга лойиқдир. Инсоният тарихи, тараққиётида юз берган турли-туман тарихий воқеаларни ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодиёти қиммати мерос бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бугун миллий тикланиш жараёнида халқ оғзаки ва қўшиқчилик ижодиёти чирой очиб бораётганлиги қувончли воқеа.

Қурбонниёз ПАНЖИЕВ

Мусаввир Ашур Муҳаммад Мамасолиев санъат мухлислари даврасида.

ҚУШЛАРНИ ИПГА БОҒЛАМАНГ...

Дарё шовуллаб, йўл-йўлакай у-бу нарсаларни тўлқинлари пинжига яшириб оққани каби, ҳаётимиз қарама-қаршиликлар занжирини ясайдиган турли воқеа, ҳодисалар жараёнида кечади.

Дарҳақиқат, ҳаёт шу қадар шиддатлики, у иссиқлик таъсирида бесаранжомликка тушадиган молекулалар ҳаракатини эслатади. Биз, одамлар ҳам ҳеч тиним билмаймиз. Биз доим ўзимизнинг ишимиз билан бандмиз, еламиз, югурамиз, ҳаётимиз тезлиги жуда юқори. Баъзан шундай ҳам бўладики, ишга шошиб кетаверамиз-да, йўл ёқалаб қулоч ёзган гулзорни сезмай қоламиз. Кўзимиз тушса-да, «тўғри, шундай бўлиши керак, шаҳар чиройи гулзорлар билан» деймиз. Ҳа, идрокимиз тўғри, аниқ тушунчага эга, лекин қалбимиз-чи, наҳот унинг қўзалликни ҳис қилиб, ором олишга вақти бўлмаса?! Ахир қалб кўзи хиралашса, у лоқайдлик, бемехрлик кўчасига етаклаши мумкинку.

Якшанба эди. Диёра барвақт турди. Кўча-ҳовлини саранжомсариштa қилди. Кун жуда иссиқ эди. Бироз иккиланиб турди-да, сўнг нонуштани айвонга эмас, ҳовлидаги сўрига жой солиб ҳозирлашга киришди. Ичкаридан кўрпачаларни олиб чиқаётган эди, дарвоза томондан овоз келди.

«Синглим, эшикни очинг». Диёра аёл товушини танимади ва беихтиёр «ким» деб юборди.

«Қўшнингиз, Розия опангиз бўламан». Диёра ён қўшнисини энди таниди ва унинг овозидаги хавотир уни сергакантирди. Маҳаллада бу аёл билан кўпам кирди-чикди қилинмас, уни негадир ёқтиришмас эди. Диёра ҳам Розия опа билан йўлига сўрашар, гапга тутиб қолса, у-буни баҳона қилиб тез кетиб қолар эди. Нима бўлганда ҳам, Диёра дарров бориб эшикни очди.

«Ассалому алайкум, келинг».

«Ваалайкум ассалом... Узр, бир нарсани сўрамоқчийдим», — Розия опа ийманиб узоқдан сўз бошлади, — Ўзи кеча оқшом чиқмоқчи эдим, безовта қилмай дедим, саҳарни кутдим. Турганингизни билиб чиқдим».

«Бемалол, тинчликми? Ичкарига киринг».

«Йўқ, раҳмат... Тирик қушни дарахтга атайин осиб қўйганмисизлар?» Тўсатдан берилган савол Диёрани эсанкиратиб қўйди.

«Кечадан буён ишкомингиз ёнидаги олча дарахтида бир қуш оёғидан илиниб турибди, шуни сўрайпман, балки атайин узумни қўриш учун осиб қўйгандирсизлар? Қизим қўймади, сўраб чиқинг деб...» Диёра Розия опа ёнида турган жажжи Гулини энди кўрди. У хаёлан «ҳақиқатан, ғалати аёл экан» деб ўйлади-да, «йўқ, опа, адашгандирсиз, қуш илинмаган, шохда ўтиргандир, холос», деб қўя қолди. Диёранинг ишонмаётганини кўрган қизча ўзини тутолмади.

«Йўқ, кеннойи, илинган, кеча роса чиғирлади, юринг кўрсатаман», — деб ичкарига югуриб кетди. Диёра билан Розия опа унинг кетидан эргашдилар.

Ростдан ҳам, олча дарахтининг юқори шохида оёғи осмондан илинган қуш чарх урар, яқинда супурилган жой тўкилаётган барглар билан қопланган эди.

«Ана, кеннойи, кўрдингизми, қаранг бечорани...» — қизча жон-жаҳди билан дарахт юқорисига қўлини бигиз қилиб кўрсатарди. Диёра ноқулай аҳволда қолди. Эрталаб ҳовлини супураётганида дарахтнинг тагида хазон кўпроқ эканини, шитирлагандай товуш ҳам эшитилганини эслашга урина бошлади, қушни сезмаганини, товушларга парво қилмаганидан афсусланди.

Розия опанинг «нарвонингиз қаерда?», сўроғи унинг хаёлларига чек қўйди. Диёра қўшниси билан девор тагидаги катта нарвонни олиб келиб дарахтга тиради. Розия опа нарвон баландлигини рўкач қилиб, «сиз ёш нарса, қўйинг, мен ўзим чиқаман», деб юқорига чиқди. Қуш анча ҳолсизланиб қолган, дам-бадам типирчилаб қолар ва яна тинчланарди. Розия опа эпчиллик билан пириллаётган қушни дарахт шохидан ажратиб олди, қушни оҳиста бағрига босиб, бир қўллаб нарвондан туша бошлади. Ҳайкалдек турган Диёра бирдан: «Эҳтиёт бўлинг, чўқиб олмасин, тағин», — деб юборди. Қизча энг қадрдони шаънига айтилган ёмон гапдан хафа бўлгандай хўмрайиб қўйди: «Ўзи зўрға турибди-ю, кеннойи.» Диёрага қизчанинг гапи наъша қилди.

«Бу чуғурчиқ. Қаранглар, бечора жудаям қийналиб кетибди». «Ойи, сув бериш керак-а?» — қизча гирдикапалак бўла бошлади. Диёра: «Дарахтга қандай илинганикин?» — деб сўради. Шунда Розия опа унга чуғурчиқнинг панжасига боғланган ипни кўрсатиб: «Мана бу ип деб илинган бўлса керак», — деди.

«Ойи, бу Султонларнинг иши. Қушларни тутиб, оёғига ип бойлаб учиришади. Айтувдимку сизга...» Розия опа қизининг гапини эшитмагандай: «Қизим, тўғри айтасан, бунга сув бериш керак. Диёрахон узр, сизни саҳарлаб безовта қилиб қўйдик» — деб дарвоза томон илдамлаб кетди. Гули эргашди. Дарвоза остонасига еткач, Розия опа ҳовли ўртасида туриб қолган Диёрага қараб айбдорларча: «Диёрахон, раҳмат, сизга сингилим», — деди-ю, она-бола кўздан ғойиб бўлишди.

Диёра дарвозага тикилиб анча туриб қолди, қулоғи остида Розия опанинг «раҳмат сизга» деб айтган сўзлари такрор-такрор жаранглади. 5-синфга ўтган катта ўғли уйдан югуриб чиқиб: «Ойи, чойдан кейин чўмилишга бораманми?» — деб сўраганда, ўзига келди. Аллақаердан қуш сайроғи эшитилгандай бўлди. Диёранинг дили ёришди. «Балки ҳалиги чуғурчиқдир» деб, хаёлидан ўтказар экан, Султоннинг бийрон сўзлари қулоғига кирмасди...

Ирода НАРИМОНОВА

Ҳаёт йўриқлари

«ОҒЗИНГГА НОВВОТ, ТИЛИМГА ШАКАР»...

Халқимизда «Новвот бериб боққан болам» деган ифода юради, бундан кишининг жисмоний ва ақлий камолотида оддий қанднинг аҳамиятини, уни фарзанд ва «новвот берувчи» орасидаги маънавий боғланишга сабаб бўларлик даражасини, бошқача қилиб айтганда, нон билан бўйлашаётганини ҳис қиламиз.

Мактаб дарсликларида юртимизда етиштириладиган қанд лавлагининг ҳар 100 килограммидан 16,5 кг шакар олиш мумкинлигини минг бор ўқиб, ўзимизда ҳам шакар заводлари қурилишини орзу қилганларимиз йўқ эмас. Ҳар ҳолда, бизнинг ота-боболаримиз ҳам қанд-қурс еб ўтганлар-да.

Тўрт йиллик саъйи ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, кўҳна Хоразмда шу соҳага мўлжалланган улкан иншоот қад ростлади. У кунига 3 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлаб, йилига 50 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Туркиянинг «Юксак иншоот» корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилган ушбу қурилиш ишида 400 га яқин ўзбек ёшлари, техник зиёлилари, шунингдек 100 га яқин турк ишчилари сидқидилдан меҳнат қилдилар.

Эндиликда қишлоқ хўжалик экинзорларида қанд лавлаги майдонлари ҳам кенгаймоқда. Хоразмда 8 минг, Сурхондарёда 6 минг гектар, Бухоро ва Қорақалпоғистонда ҳам катта майдонларга шакар манбасига бой бўлган қанд лавлаги экилган. Ўтган йили унинг уруғлиги хориждан келтирилган бўлса, бу йилдан бошлаб ўз ерларимизда уруғлик олиш йўлга қўйилди.

Шубҳасиз, ушбу тўнғич иншоот мамлакатимиз аҳолисини қанд маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамият касб этажак, ифодали айтганда, юртимиздан «бол оқизади», «оғзимизга новвот, тилимизга шакар» бўлади.

САВОЛ — ТОПИШМОҚЛАР

1. Орол нимага ўхшайди?

(Сабр косасига)

2. Оғриқсиз азоб берувчи ва оғритмай, оҳиста ўлдирадиган сурункали касалликнинг номи нима?

(Очлик)

3. а) Гиёҳвандликка ружу қўйиш нимадан бошланади, кўкнориданми ёки қандир тортишдан?

(Оддий папиросдан!)

б) Ёппасига чекиш нимадан бошланган?

(Ёппа тарғиботдан)

4. Қайси муносабатлар Шайтоннинг уруғини кўпайтиради?

(Беникоҳ муносабатлар)

5. а) Ўз ваҳший қотилини ашаддий севувчи, сўзсиз қул, унга қўшқўллаб ўзини топширган ақли нодон ким?

(Кашанда)

б) Дунёда ўзига ўзи душманлик қилишда кимдан ўтадигани йўқ?

(Шу кашандадан)

6. Худони ўйламайдиган одамни ким ўйлайди?

(Шайтон)

7. Шайтон қаерга ин қуради?

(Мехрсиз юракка)

8. Қайси ботқоққа одамлар иймон либосини қирғоқда қолдириб тушадилар?

(Нафс)

9. Сигарет асосан кимлар учун реклама қилинади?

(Ҳар қандай ёшдаги чекмайдиганлар учун)

УЗРО

АБУ НАСР ҚИССАСИ

Нодир воқеалар

Муҳаммад Авфий

Дебдурларким, султон Яминуддавла Маҳмуд Сабуктегин бир неча вақтдан буён Аёзнинг синглисига мафтун бўлиб, уни ўз никоҳига олишни ўйлаб юрарди. Лекин аъёни давлат ва хослардан андиша қиларди. Бир неча муддат шу аҳволда юрди.

Кунларнинг бирида Абу Наср султон Яминуддавла хизматига келди.

Абу Наср шундай ҳикоя қилади: «Кечаси султоннинг мажлисида ўтирган эдим. Мажлис тугагач, султон оёғини мен томонга узатди. Султон одатига кўра, бу «оёғимни уқала», дегани ва бирор сир айтмоқчи бўлгани эди. Бир оздан сўнг султон деди:

— Ҳакимлар уч кишидан сир сақламаслик лозим, деганлар. Табибдан, насиҳатгўй дўстдан, мухлис ва оқил хизматкордан. Кўпдан бери кўнгилда бир андиша бор. Бу кеча ушбу сирни сенга айтаман, қани, сен нима деркинсан».

— Агар подшоҳ мени ўзларига ҳамрозликка муносиб кўрган бўлсалар, бу бандада не ҳаддур. Банда учун ҳар қандай хизматга камарбаста бўлиб турмоқлик вожибдир, дедим.

Султон сўз бошлади: «Кўп вақтлардан бери Аёзнинг синглисини ўз никоҳимга киритишни хоҳлайман. Аммо атрофдаги кўшни подшоҳлар мени ақслиз ва фаросатсизликда айблашларидан қўрқаман. Шунингдек, сарой аъёнларининг ғийбатларидан андиша қиламан. Бу борада сен нима дейсан? Бирор подшоҳнинг ўз фуқаросига уйланганини тарихда ўқиганмисан?»

Мен: «бу борада мисоллар кўпдир. Сомонийлар сулоласининг барча ҳукмронлари ўз қўл остларидаги чўри ва хизматкорлардан ўз никоҳларига киритганлар. Бинобарин, бу хабарни эшитган кишилар подшоҳни бу масалада гуноҳкор ҳисобламайдилар. Подшоҳнинг ўзларига маълумки, Қубод Туркистонга кетаётиб, Исфаройин шаҳрида бир деҳқон қизига уйланди. Бу никоҳ натижасида Анушервон дунёга келди. Ажам тарихидан чиқди. Қишлоқнинг четидан оқаётган катта сув олдида кир ювaётган бир кишини кўрди. У киши ўз хотини ва қизи билан бир неча чопонларни ювaётган эдилар. Баҳром улар тепасига бориб: «Эй, гозур, менга сув бер», деди. Гозур ўрнидан туриб, Баҳромга таъзим қилди ва хотинига: «Эй хотин, подшоҳга сув бер», — деди. Хотин ўрнидан туриб жомни қўлига олди ва бир неча бор ювгач, қизига қараб: «Қизим, подшоҳга сув бер!» — деди. Қиз жомга сув тўлдириб, Баҳромга олиб борди. Баҳром қизга боқиб кўрдики, қиз ҳусн-малоҳатда беназир ва камолат ёшида эди. Баҳром кир ювувчи кишига қараб: «Эй гозур, бугун мени меҳмон қиласанми?» — деб сўради.

Гозур подшоҳга жавоб бераркан: «Агар подшоҳ бизнинг қаттиқ нонимиз ва кўза шароб келтириб, қадаҳни қизига бериб, «подшоҳга соқий бўл!» — деди. Қиз қадаҳни тозалаб ювиб, сўнгра шароб тўлдириб подшоҳга тутди. Подшоҳ қизнинг қўлидан қадаҳни олган эди, қиз Баҳромнинг қўлини ўпди. Баҳром қизга қараб: «Бўсанинг жойи қўл эмас, лабдир. Токи, лаб лабдан бахраманд бўлгай», деди. Қиз Баҳромга жавобан таъзим қилиб, «ҳали вақт-соати етганича йўқ», ёшимизга қаноат қилсалар, имконимиз борича мезбонлик қиламиз», — деди. Шундан сўнг, сув бўйига покиза жой солиб, Баҳромни ўтқазди. Баҳромнинг отини олиб дарахтга боғлади. Шоҳ олдига солиш учун тоза дастурхонни қизига топшириб, ўзи шошганича қишлоқ томон кетди. Бир оздан сўнг тамоқ деди. Подшоҳ бу малоҳатдийдор ва латофатгуфторликдан ҳайратга тушди. Қиз билан подшоҳ шу ҳолда турганларида, подшоҳнинг аскарлари изидан етиб келдилар. Подшоҳ қизга қараб, бу жамоатдан юзингни яшир, деди. Қиз дарҳол юзига ниқоб тортди.

Шундан сўнг подшоҳ Баҳром қизни тахтиравонга ўтқазиб, ўз саройига олиб кетди ва ўз никоҳига киритди. Қизнинг ҳусн-жамолидан Баҳромнинг шабистони мунаввар бўлди, деб ҳикояни тугатдим.

Султон Яминуддавла бу ҳикояни эшитиб бўлгач, ўз ҳарамига кетаркан, Абу Наср га қараб, «Мени зўр машаққатдан қутқардинг», деди.

Шундан сўнг, икки кун ўтгач, Султон Аёзнинг синглисини ўз никоҳига киритди.

Турғун Файзиев
таржимаси

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0350.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.00

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Дилором МАТКАРИМОВА